**MEZON:**

**Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.**

**Фермер хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқ бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.**

**“ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 14-МОДДА**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 15 (371)
2004 йил
20 апрел
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Istiqlol va imkoniyat

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

***Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига сафари муҳокама қилинган масалалар кўлами ва келишилган аҳдлашувлар нуқтаи назаридан икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан юқори поғонага олиб чиқишга қаратилган ташриф бўлди десак, хато қилмаймиз.***



Амалий сафар асносида Ўзбекистон ва Россиянинг стратегик ҳамкорлигини яқин орада расмийлаштиришга келишиб олингани ташрифнинг муҳим натижаларидан бири бўлди. Зеро, стратегик ҳамкорлик деганда узоқ муддатга мўлжалланган ва барча соҳаларни қамраб олган ишончли ҳамда амалий ҳамкорлик муносабатлари тушунилади. Бу ҳамкорлик аввало савдо-иқтисодий, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, бугунги кунда глобал муаммога айланган халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес каби иллатларга қарши курашиш борасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Президентлар Ислом Каримов ва Владимир Путин ўртасида бўлиб ўтган мулоқотларнинг асосини ана шу соҳалардаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари ташкил этди.

Ҳамкорликнинг устувор соҳаларини бирма-бир таҳлил этадиган бўлсак, аввало, иқтисодий алоқаларга тўхталиш жоиз. Чунки ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши ҳар икки томонга ҳам бирдек фойдали. Бинобарин, Россия маҳсулотлари Ўзбекистон бозорида ўз ўрнига эга бўлса, Ўзбекистон маҳсулотлари ҳам Россия бозорларида ўз харидорини топиши шубҳасиз. Ташриф кунлари москваликлар Ўзбекистон-Россия алоқаларига муносабат билдирар экан, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — пахта, полиз, мева-сабзавот россияликлар учун қадрли эканини таъкидлашди. Демак, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳар икки мамлакат халқлари ҳам хайрихоҳ. Бироқ Президент Ислом Каримов эътироф этганидек, божхона соҳасидаги муайян мураккабликлар, темир йўл транспортида ташиладиган юклар учун устама тўловларнинг баландлиги билан боғлиқ масалалар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг талаб даражасида эмаслигига сабаб бўлаётир. Хуллас, бу борадаги алоқалар ҳам ўзаро ҳурмат ва манфаатларни тан олиш ҳисобига қурилиши даркорлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов билан Россия саноатчилар ва ишбилармонлар иттифоқи раиси Аркадий Вольский ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида бу борадаги алоқаларни ривожлантириш йўллари муҳокама қилинди. Бугунги кунда ўзаро алоқаларда ёқилғи ва энергетика соҳасида амалий ишлар кўзга ташланмоқда. Президентимизнинг Россияга ташрифи арафасида “Зарубежнефт-газ” компанияси билан Уст-Юрт ҳудудидаги “Шах Пахти” конидан қазиб олинган маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши бу борадаги амалий қадамлардан бири бўлди. “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси билан “Газпром” очиқ акциядорлик жамияти ўртасида стратегик шериклик тўғрисида битим имзоланган. Унга биноан Россияга экспорт қилинаётган Ўзбекистон гази миқдорини 2006 йилда 10 миллиард куб метрга етказиш кўзда тутилган. Бу йил кузда “Газпром” билан ҳамкорликда Уст-Юртдаги конларни ўзлаштиришга қаратилган 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳани тайёрлаш ниҳоясига етказилиши кутилмоқда.

“Компаниямиз Ўзбекистонда қарийб бир миллиард долларлик йирик шартномани имзолашни режалаштирган. Бу бир мингга яқин янги иш ўрни очилади деганидир, – дейди “Нефтянная компания “Лукойл” очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперов. – Ўзбекистондаги қулай инвестицион муҳит ушбу шартноманинг самарали амалга ошишига имкон яратади”.

“Алфа-Эко” компаниялари гуруҳи” масъулияти чекланган жамияти, “Вим Биль Данн. Продукты питания”, “Промспецимпекс” каби нафақат Россияда, балки дунёдаги иқтисодий бақувват компаниялар қаторида турувчи сармоядорларнинг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётгани иқтисодий алоқалар чуқурлашув палласига кираётганининг амалий ифодасидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, улкан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Россия билан бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлаш мамлакатимиз учун ҳаётий заруратдир. Зеро, дунёда мураккаб геосиёсий вазият сақланиб қолаётган экан, Россия каби давлатларнинг куч ва имкониятларига таяниш юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка хизмат қилади. Дарвоқе, ташриф якунида Президентлар террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлиги ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар фақат мустаҳкам ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш юритилганда кутилган самара беришини таъкидлаганини қайд этиш жоиз.

Дипломатик муносабатлар таҳлилининг кўрсатишича, барқарор сиёсий муносабатларнинг ривожи барча жабҳалардаги алоқаларга тамал тоши қўяди. Шу маънода давлатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувлар доимий ва изчиллик касб этиб улгургани ўзаро алоқалар истиқболи учун муҳим аҳамиятга эга. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин март ойида бўлиб ўтган сайловларда президентликка қайта сайлангач, Германия, Франция давлатлари раҳбарларидан сўнг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовни таклиф қилди. Бу Россия Ўзбекистонни ўзининг яқин ҳамкори сифатида кўриши, қолаверса, минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишда ишончли шерик деб билишини кўрсатади. Бу Россиянинг ҳам Ғарб, ҳам Шарқ мамлакатлари билан муносабатларда янги саҳифа очаётганидан далолатдир. Россия янги даврда жаҳон геосиёсий майдонида тобора мавқеи ошиб бораётган Ўрта Осиёда ўз сиёсати ва ҳамкорликда устувор соҳаларини белгилаб олмоқчи. Ўз-ўзидан равшанки, агарда Россия Ўрта Осиёда ўз мавқеини мустаҳкамламоқчи ёки узоқни кўзлаган сиёсат юритмоқчи бўлса, биринчи галда Ўзбекистон билан муносабатларининг истиқболларини белгилаб олиши зарур эди. Модомики, Ўзбекистон ва Россия МДҲ ва ШҲТ доирасида ҳам бир-бирига ишончли шерик экан, президентлар бу соҳадаги фаолият самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр алмашгани, шубҳасиз, мазкур ташкилотларнинг истиқболдаги фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, Ўзбекистон дунёнинг ривожланган мамлакатлари бўлган АҚШ (алоқаларда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари устувор) ва Япониядек (муносабатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш асосига қурилган) стратегик шериклари сафига Россияни ҳам қўшиш арафасида. Агар яқин орада Ўзбекистон-Россия муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан стратегик мақом касб этадиган бўлса, Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи ана шундай ҳамкорликка мустаҳкам пойдевор қўйган сафар сифатида тарих зарварақларига муҳрланади.

**Мадамин САФАРОВ,**
**шарҳловчи**

---

Shartnoma qonunchiligi

***Сурхондарё вилояти бўйича жорий йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 16 минг 362 та ички хўжалик шартномалари тузилган. Адлия бошқармаси томонидан уларнинг тузилиши ва ижроси текширилганда, 1082 та ички хўжалик шартномаларининг нотўғри тузилгани аниқланди. Масалан, Шўрчи туманидаги Алихон Сафаров номидаги ширкат хўжалигида пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштириш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ етказиб бериладиган маҳсулотнинг миқдори, ялпи маҳсулот қиймати, иш ҳақи фонди, уруғлик чигит, минерал ўғит, ёқилғи ва сув таъминоти, техник хизматлар қийматининг миқдори кўрсатилмасдан ўзаро шартномалар тузилиб, номигагина расмийлаштириб берилган.***

## ШАРТНОМА – МАНФААТДОРЛИК ГАРОВИ

Баъзи хўжаликларда ўзаро тузилаётган ички хўжалик шартномаларининг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан тузилаётганлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Масалан, Бойсун туманидаги “Ғайрат” ширкат хўжалигида 75 нафар, Қумқўрғон туманидаги “Қумқўрғон” ширкат хўжалигида 176 нафар оилавий пудратчилар билан тузилган шартномалар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан тузилгани аниқланиб, бу қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Шартнома икки томоннинг зиммасига бажарилиши лозим бўлган ишларнинг масъулиятини юклайди. Энг муҳими, ҳар қандай шартнома тарафларнинг манфаати йўлида хизмат қилишини унутмаслик лозим. Чунки у расмий ва қонуний ҳужжат ҳисобланади. Шу боис шартномани “қўлдан ўтди, эгасига етди”, қабилида тузиш қонунбузарликдан бошқа нарса эмас. Агар фермер ёки оилавий пудрат бошлиғи ўзаро тузиладиган шартномаларни қонун талаблари асосида расмийлаштирса, у ҳар қандай вазиятда ҳам тарафларнинг ҳуқуқларини амалдаги қонунлар олдида ҳимоя қила олади.

Минг афсуски, шартнома борасида лоқайдлик ва масъулиятни ҳис этмаслик ҳоллари ҳам йўқ эмас. Музработ туманидаги “Янгиобод” ширкат хўжалигида пахтачилик ва ғаллачилик юзасидан тузилган баъзи оилавий пудратчиларга алоқадор шартномаларда маҳсулот ҳажми учун жами қийматнинг 7,28 фоиз миқдорида иш ҳақи белгиланган бўлса, бошқаларга эса бу қиймат 11,38 ёки 5,27 фоиз қилиб белгиланган. Жумладан, оилавий пудратчи Э.Жумаевнинг 12 гектар ер майдонига 60 тонна етиштириладиган буғдой учун 5,27 фоиз, Н.Ашуровнинг 7 гектарлик майдонида етиштириладиган ғалла ҳосили учун 11,8 фоиз, Ф.Алланазаровнинг 8 гектар майдонида етиштириладиган буғдой ҳосили учун 7,28 фоизлик иш ҳақи белгиланиб, жиддий қонунбузарликка йўл қўйилган. Ушбу ҳолатларни бартараф қилиш юзасидан Музработ туман ҳокимлиги ва ширкат хўжаликларига тегишли тақдимномалар киритилди.

Шартномалар тузишда ўзбошимчалик, ўзбилармонлик каби жиддий нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, Ангор туманидаги “Қорасув” ширкат хўжалигида пилла хомашёси етиштириш бўйича оилавий пудратчилар билан тузилган ўзаро шартномаларнинг 5-бандида қонун талабларига зид равишда ҳар бир пудратчи пилла ҳосили етиштириш учун ғаллачиликдан олинган бир гектар ҳисобида 5 грамм пилла қуртини олиб парваришлаш мажбурияти юклангани ажабланарлидир.

***(Давоми иккинчи бетда)***

---

Ajab savdolar

***Аслини айтганда, Зафаробод тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Жингилбоев ҳам ҳеч кимдан кам ишламаётганди. Жиззах вилояти адлия бошқармасининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан киритган тақдимномаси вилоят давлат солиқ бошқармасида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда муҳокама қилинди. Бошқарма бошлиғининг шу йил 27 февралдаги 29-сонли буйруғи билан Ж.Жингилбоевга “ҳайфсан” интизомий жазоси берилди. Хўш, туман солиқчилари бошлиғи нега жазо олди?***

## ХАТО
### ИШОНИНГ, ЛЕКИН ТЕКШИРИБ КЎРИНГ!

Инсон зоти борки, ҳар бир куни қувонч ва ташвиш билан ўтади. Эртага нима бўлишини одамнинг ўзи билмайди. Озгина эътиборсизлик, ўзгаларнинг хом-хатала иши сени ташвишга рўбарў қилиши мумкин, Ж.Жингилбоев ҳам интизомий жазони шунинг учун олди.

Муддаони англаш учун гапни узоқдан бошлаш керак. Гап шундаки, Зафаробод тумани марказида “Култусин” фермер хўжалигининг ошхонаси бор. Туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи 2003 йилнинг 11 ноябрида мазкур ошхонада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августида қабул қилинган 280-сонли қарорига амал қилиниши юзасидан назорат текшируви ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Буйруққа кўра, ошхонага келган текширувчилар савдодан тушган 9 минг 300 сўм нақд пулни назорат касса машинасига кирим қилинмаган, деган важ билан далолатнома тузишади. Далолатномага асосан туман давлат солиқ инспекцияси 2003 йилнинг 13 ноябр куни “Култусин” фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида 544 минг сўм молиявий жарима қўллаш, назорат касса машинасига кирим қилинмаган ва банкка топширилмаган 9 минг 300 сўм нақд пулни яширилган пул ҳисоблаб, бюджетга ундириш ҳақида қарор қабул қилади.

“Култусин” фермер хўжалиги раҳбари Б.Ҳайдаров текширувчиларга ҳам, уларнинг раҳбарларига ҳам қўлланилган молиявий жарима ноқонуний эканлигини тушунтиришга уринади. Бироқ ҳеч ким унинг сўзларига қулоқ воз солмайди, ўзлари чиқарган қарордан кечмайди. Шундан кейин тадбиркор Б.Ҳайдаров Адлия вазирлигига ариза билан мурожаат қилади. Унинг аризасини ўрганган вилоят адлия бошқармаси ходимлари ҳақиқатан ҳам, тадбиркорлик субъектига нисбатан ноҳақлик қилинган, деган хулосага келишди.

Аниқланишича, 2003 йилнинг 11 ва 12 ноябр кунлари туман марказида табиий газ бўлмаган. Ошхонада овқат газ билан пиширилади. Шу сабабли назорат текшируви ўтказилган 11 ноябр куни ошхона ишламаган. Табиийки, ошхона ишламагач, хўрандалар ҳам бу ерга киришмайди. Ошхонадаги шкаф устидаги қутичада 9 минг 300 сўм пул турганди. Бу пул савдодан тушмаган, аксинча, фуқаро Марям Золовадан олинган 100 дона тухумнинг пули бўлиб, унга берилиши керак эди.

**“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”**ги қонун ва Адлия вазирлиги томонидан 2001 йилнинг 15 майида 717-1 сон билан рўйхатга олинган **“Хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида”**ги Низомда текширувчи мансабдор шахслар текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбарини текширишнинг мақсади ва шартлари билан таништириши, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш, **“Текширишларни рўйхатга олиш китоби”**ни тўлдиришлари кераклиги кўрсатилган. Бироқ текширувчилар бу талабларга амал қилишни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Демак, бу қонунни менсимаслик, манманликдан бошқа нарса эмас.

Жиззах вилояти адлия бошқармасининг тадбиркор манфаатини кўзлаб киритган даъвосини кўриб чиққан вилоят хўжалик суди Зафаробод тумани давлат солиқ инспекциясининг “Култусин” фермер хўжалигини 544 минг сўм молиявий жаримага тортиш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топди.

Энди муддаонинг нимада эканини англагандирсиз? Сизга ваколат берилган. Ишонинг, лекин текшириб кўринг. Шунда хатонинг тўқмоғи бошга тушмайди.

**Садриддин ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

---

Talab, taklif, mulohaza

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги (2001 йил 29 август) маърузасида қонунчиликда иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятини кенгайтириш зарурлигини қайд этиб, бунинг учун бу тоифадаги жиноятлар учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндошув лозимлигини таъкидлаган эди. Ушбу янгилик ўз мазмун-моҳияти билан жарима жазосининг қўллашни кенгайтириш билан бир қаторда етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланишни тақозо этади. Чунки бошқа жиноятлар каби иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларга, жумладан, иштирокчиликда жиноятга қўл урганларга жазо тайинлашда алоҳида ёндашув тамойилига тўлиқ риоя этиш жазонинг тарбиявий аҳамияти ва самарасини оширишга хизмат қилади.***

## ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК: ЖАЗО ВА САМАРА

### БИРИНЧИ МАҚОЛА

Шу боис Жиноят кодексидаги бешта моддага 167,168,175,184,202-моддалар етказилган моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланмаслиги ҳақидаги рағбатлантирувчи меъёр киритилди.

Шу ўринда ўтган вақт мобайнида суд амалиётида иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини ҳал этишда янгича ёндашув қандай самара бермоқда, деган савол туғилиши мумкин.

Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, Жиноят кодексидаги ҳар бир меъёрнинг мазмун-моҳияти жиҳатидан аниқ ва лўнда ифодаланиши қонун ижодкорлигида белгиланган қатъий тамойиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга алоҳида олганда, Жиноят кодексининг махсус қисмдаги ҳар бир меъёр диспозициясидаги жиноят тушунчаси чуқур маънони англатади. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, ҳар қандай меъёр қанчалик аниқ ва лўнда бўлмасин, суд амалиётидаги муайян ишларни ҳал этишда меъёрдаги айрим атама ва ибораларни батафсилроқ ўрганиш зарурати бор.

Маълумки, қонунчиликни амалда тўғри қўллаш мақсадида айрим турдаги жиноятлар тушунчаси ва мазмунини янада чуқурроқ тушунтириш жиноят ҳуқуқи фани нуқтаи назардан меъёрларни шарҳлаш деб қаралади.

Шарҳлаш субъекти, ҳажми ва усулига қараб бир-биридан фарқ қилинади. Субъектига ёки манбаига биноан расмий, суд ва илмий шарҳлар мавжуд.

Назарий жиҳатдан ёндашганда, қонунчиликни суд томонидан шарҳлашни икки турга бўлиш мумкин. **Биринчи** турда барча судлар, жумладан, Олий суд томонидан аниқ ишлар бўйича ҳукм, ажрим, қарорлар қабул қилиш йўли билан қонундаги меъёрлар мазмуни кенгроқ талқин этилиши мумкин. Бундай шарҳлаш фақат ўша ишга тааллуқли деб қаралади. Чунки мамлакатимиз қонунчилик ҳужжатларида **суд прецеденти**, яъни алоҳида иш бўйича суднинг шарҳлаши ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди. Суд томонидан шарҳлашнинг иккинчи турига Олий суд Пленуми томонидан моддий ёки процессуал қонун меъёрларини амалиётда қўллаш юзасидан тушунтиришлар тарзида қабул қилган қарорларни киритиш мумкин.

Чунки **“Судлар тўғрисидаги”** қонуннинг 17-моддасида Олий суд Пленумининг ваколатларидан бири “суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқиш ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш, деб белгиланган. Ушбу қонуннинг 21-моддасида **«муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, Олий суд раиси ёки Бош прокурори томонидан Олий суд Пленуми муҳокамасига киритилган масалалар тегишлигига қараб уларнинг маърузалари ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади. Ушбу масалаларнинг муҳокамасида Олий суд Пленумининг мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкинлиги қайд этилган»**.

Энг муҳими, Олий суднинг жиноят иши бўйича суд амалиётини ўрганиш асосида қабул қилган қароридаги тушунтириши нафақат судлар, балки ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа идоралар ва мансабдор шахслар учун ҳам мажбурийдир. Зеро, суд ҳокимиятнинг мустақил тармоғи ҳисобланиб, одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида Олий суд Пленуми томонидан жиноят ишлари бўйича суд амалиётини умумлаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан қирққа яқин қарорлар қабул қилинган. Бу қарорларнинг мазмун-моҳиятини эътиборга олган ҳолда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдагиларга Жиноят кодексидаги бирон-бир алоҳида жиноят тури, масалан, қасддан одам ўлдириш, безорилик, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик, транспорт воситаларини олиб қочиш, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш каби жиноят ишлари юзасидан чиқарилган қарорлар киради.

***(Давоми иккинчи бетда)***

Taassuf

# ҚАЙТМАГАН БЎНАК

***Мамлакатимизда тадбиркор фаолиятига кенг йўл очилгани, фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани барчага аён. Хўш, ушбу имкониятлардан ҳамма ҳам тўғри фойдаланяптими? Афсуски, бу саволга баралла ижобий жавоб бериб бўлмайди. Бунинг сабаблари қуйида баён этилади.***



Сайхунобод туманидаги “Шерзод” фермер хўжалиги ва Сайхунобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 2002 йил 23 декабрда 2003 йил ҳосили учун 19-сон контрактация шартномаси тузилди. Унга мувофиқ, хўжалик 19 тонна пахта етказиб берадиган, жамият эса ҳосил йиғиб-териб топширилгунга қадар жами топшириладиган пахта қийматининг эллик фоизи миқдорида, яъни 1790 минг сўм миқдорида бўнак пули бериб турадиган бўлди. Жамият 2003 йил 31 августгача шартнома шартларини деярли бажарди. Фермер хўжалиги эса мўлжалдаги ҳосилни топширмай, бўнак пулидан 1233 минг сўм қарздор бўлиб қолди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Наҳотки, фермер хўжалиги бўнак пулини ва уруғлик чигит ҳақини ҳам оқлолмаса? Нега бўнак пулини олди-ю пахта хомашёси топширмади?

“Шерзод” фермер хўжалигининг раҳбари Ё.Умрзоқов бунга қуйидагича изоҳ берди: “2003 йил апрел ойида пахта экдик. Июн ойида зах ерости суви кўтарилиб кетгани сабабли 13 гектарда чигит ўсмади ва кўчатлар нобуд бўлгани учун пахтани бузиб ташладик...”

Кўриниб турганидек, ғўза майдонини бузиб ташлаган фермер жамиятни бу ҳақда хабардор этиб қўйиш ўрнига бўнак пулини бемалол ўз эҳтиёжига ишлатаверган.

Маҳсулот топширмай бўнак пулини “туя қилган”лардан бири “Жаврак” фермер хўжалиги раҳбари Х.Маҳсадовдир. У бу ҳолни бундай изоҳлайди: “...Пахта майдони 6 гектар ер бўлиб, ёмғир кўп бўлгани сабабли зовурлар сув билан тўлиб, экилган пахтамиз сув остида қолди, кўчатлар захдан чириб кетди”.

Шу гапларга ишонасизми? Албатта, ишонгингиз келади. Ҳеч бўлмаганда ачинасиз. Лекин шу фермер хўжалиги раҳбари май ойи охирими ёки июн ойи бошидами, бузиб ташлаган ғўза майдони учун август ойига қадар 1284,3 минг сўм бўнак пулини жамиятдан олиб ўз эҳтиёжига ишлатганини эшитсангиз, ҳафсалангиз пир бўлади.

Ахир, фермер хўжалиги кузда 12 тонна пахта хомашёси ўрнига қуруқ баҳонани тўқиб турибди-да.

Тумандаги хўжаликлараро бўрдоқичилик ҳиссадорлик жамияти ҳудудида очилган “Ситора-4” фермер хўжалиги ҳам Сайхунобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан 1,3 миллион сўмлик пахта хомашёси етказиб бериш бўйича 2002 йил 27 декабрда 484-сонли контрактация шартномаси тузган. Шу боис 408300 сўм бўнак пули олган. Ҳосил эса йўқ. Бугунга келиб фермер хўжалиги раҳбари Н.Расулов шундай деб турибди: “Сирдарё суви кўтарилиб, тўлиқ ер майдонини сув босиб кетди”.

Хуллас, шу тариқа инсофни ҳам лойқа босиб қолибди. Акс ҳолда чигит экилмай қолган 5 гектар ер майдони ҳисобидан фермер 408 минг сўм пулни олиб ишлатиб юбормиди? Яъни 29 минг сўм иш ҳақига, қолгани ўғит, ёнилғи ва техника хизматига. Тавба, чигит экилмаган бўлса, шу бўнак пулини дарҳол тўхтатиб қўйиш ёки “транш” бўйича кимдир олиб қўйган бўлса, ўша ютонғич шерикдан пулни ундириб, қайтариб жамиятга бериш мумкин эди-ку?!

Бу саволга энди жавоб йўқ. Фақат айбдор олинган пулни тўлаш шартлиги тўғрисида суд қарори чиқарилди. Сирдарё вилоят прокуратурасининг Сайхунобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти манфаатини кўзлаб хўжалик судига берган даъво аризалари қаноатлантирилди. Бўнак пулини ўзлаштириб юборган фермер хўжаликлари раҳбарлари энди уни жамиятга қайтариб тўлайди.

Шу кунларда экин-тикин ишлари қизғин. Фермер хўжаликларига уруғлик, ўғит, ёнилғи, техника хизмати учун маблағ зарур. Ўтган йили бўнак пулини олиб, қарз бўлиб қолган фермер хўжаликлари бу йил қандай баҳона излашаркин? Ахир, ҳали қарзидан қутулмаган шерикка яна бўнак беравериш оддий инсоф доирасига ҳам сиғмаса керак?

Мамлакатимизда фермер хўжаликларининг иш юритишлари қулай бўлиши учун ҳамма тўсиқлар олиб ташланди. Ҳатто бу борадаги қонун-қоидалар ҳам соддалаштирилди. Баён этилган ҳолатларда эса энг оддий ҳаётий қоида ҳам барбод қилинган. Ўша фермер хўжалик ерларида ишловчилар йўқмиди, уларнинг ҳоли не кечди экан? Фермер деганнинг ерга муносабати шунчалик совуқ бўлса, бу хўжаликка ишониб юрганларнинг аҳволи эртага қандай бўлади? Ахир, экин майдонининг сув босмаслиги, ёмғир-жала суви кўллаб, зовурлар сувга тўлиб, шўр кўтарилиб, ниҳолларни қуритиб юбормаслиги чораларини кўриш фермернинг вазифаси эмасми? Қачонгача “олма пиш...” деб осмонга қараб ўтиришаркан? Ушбу ҳолатга Сайхунобод туман ҳокимлиги, унинг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ер кадастри идораси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа мутасадди идоралар тегишли баҳо беришлари, бундай ҳолатлар такрорланмаслиги чораларини кўришлари зарур.

**А.АБДУЛЛАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

# “ИНСОН ва ҚОНУН”га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Фуқаро Ж.Раҳмоновнинг Иштихон туманидаги М.Жўраев номидаги ширкат хўжалигидан иш ҳақларини ундиришда ёрдам сўраб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Иштихон туманидаги М.Жўраев номидаги ширкат хўжалиги 2001 йил 12 мартдаги хўжаликнинг умумий йиғилиши қарори билан деҳқон фермер хўжалигига айлантирилган ва хўжаликнинг 17-бригадасида ташкил этилган “Сафархўжа-1” фермер хўжалигига ширкат хўжаликни тугатиш комиссиясининг бўлиниш балансига асосан манба билан қопланмаган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, шу жумладан, меҳнат ҳақи қарздорлиги олиб берилган.

Шундан сўнг фуқаро Ж.Раҳмонов олинмай қолинган иш ҳақларини “Сафархўжа-1” фермер хўжалигидан ундириш ҳақида Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилган. Ариза суд томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган ва ижро этиш учун суд ижрочилари бўлинмасига юборилган.

Иштихон туман суд ижрочиларининг 2004 йил 5 апрел кунидаги далолатномасига асосан “Сафархўжа-1” фермер хўжалиги раиси Н.Тилововдан Ж.Раҳмонов фойдасига 168 минг 692 сўм меҳнат ҳақи ундирилган.

**А.АЗИЗОВ,**
**Самарқанд вилояти прокурори**

* * *

## НОГИРОНЛИК БЕЛГИЛАНДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикасининг, Қонликўл туманида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Тажетдинованинг таҳририятга ёзган аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Маълум бўлишича, ариза муаллифининг қайнонаси Атамуратова Зийуарнинг (1920 йилда туғилган) 1996-1997 йилларда чап оёғи жароҳатланган. Бироқ у шифокорларга мурожаат этмаган ва табиблар ёрдамида даволанган. Натижада жароҳат ўрнида сохта бўғим пайдо бўлиб, асоратлар юзага келган. Аммо даволаниш ва ногиронлик масаласида шу даврга қадар белгиланган тартибда турар жой даволаш-профилактика муассасасига ҳамда уларнинг йўлланмаси (088 у шкал) билан ТМЭКка мурожаат этмаган. Вазирлик кўрсатмасига биноан Қонликўл туман Марказий шифохонаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича муовини Б.Оспанов назорати остида З.Атамуратова 2004 йил 12 январ куни турар жой поликлиникасида тиббий текширишлардан ўтказилиб, ТМЭКка йўлланма берилди. Мазкур йўлланмага асосан Қонликўл туманлараро ТМЭК томонидан 2004 йил 12 январ куни З.Атамуродовага амалдаги қонуний ва меъёрий ҳужжатларга асосан умумий касалликдан биринчи гуруҳ ногиронлиги умрбод белгиланди.

**А.АКБАРОВ,**
**Вазир ўринбосари**

Farmon va ijro

# НОЖЎЯ ИШ — ДЕҲҚОНГА ТАШВИШ

Президентимизнинг шу йил 11 мартдаги **“Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони Сирдарё вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг доимий эътиборида турибди. Жумладан, вилоят прокуратураси кўкламги мавсумга тайёргарлик ва экишнинг боришини ўрганиб бормоқда.

Бу йил вилоятда 115300 гектарга чигит экиш мўлжалланган бўлиб, 11 апрелга қадар экин майдонларини тайёрлаш 32,5 фоизга бажарилиб, 12,8 фоиз майдонга чигит экилган. Муҳим тадбирлар кечикиб амалга оширилаётганига биргина баҳорнинг серёғин келиши эмас, балки ушбу соҳага ҳамкор ташкилотлар, жумладан, техника хизмати кўрсатувчи, ўғит, ёнилғи, уруғлик етказиб берувчи корхоналардаги сусткашлик ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис ойнинг дастлабки ўн кунлигида жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга 8 та жиноий иш очилди.

Дастлаб уруғ тушган ерда ниҳол униб чиқди. Демак, минерал ўғит солиб, дастлабки ишлов беришни бошлаш лозим. Бироқ А.Қулбеков номидаги ДФХБ ҳудудидаги Боёвут туманлараро минерал ўғит базасининг 1 шаҳобчаси мудири О.Примқулов қиймати 8202232 сўмлик 119392 килограмм аммиакли селитрани талон-тарож қилиб юборган. Шу сабабли Мирзаобод туман прокуратураси О.Примқуловга нисбатан жиноий иш қўзғатди. Шароф Рашидов туманидаги “МТП” акциядорлик жамиятига қарашли “Магнум” тракторлари 8 апрелга қадар 2823,8 гектарда 50,6 миллион сўмлик иш бажаргани ҳужжатда акс эттирилган. Аслида эса 2700,3 гектарда иш бажарилиб, 4,8 миллион сўм ортиқча ҳақ ёзилган. Бундан ташқари, жамият раҳбарлари 164,5 миллион сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларни ундириш чорасини кўрмай, ишчи ва хизматчилар иш ҳақидан 26,4 миллион сўм қарздорликни вужудга келтиришган. Жамият раҳбарларининг бундай қилмиши Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан малакаланди.

Ховос туманидаги “Чамбил” ширкат хўжалиги ҳудудида “Найман” фермер хўжалиги раиси А.Қодирқуловнинг молхонасидан 20 тонна аммиакли селитра топилди. Бу 2,2 миллион сўмлик минерал ўғит Янгиер шаҳрида яшовчи фуқаро Омон Мўминовга тегишли бўлиб, ҳеч қандай ҳужжати йўқ экан. Ушбу фуқарога нисбатан Ховос туман прокуратураси жиноий иш қўзғатди.

“Ўзқишхўжмашхолдинг” корпорациясига қарашли Сирдарё вилоят техник маркази ёрдамчи хўжалиги мансабдор шахслари Оқолтин тумани “МТП” акциядорлик жамияти ҳисобидаги “МТЗ-80” русумли тракторни култиватори билан қабул қилиб, мансаб ваколатларини суиистеъмол этган ҳолда жами 2,6 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилиш йўли билан акциядорлик жамияти манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган. Аттанг, ушбу техника воситаси ҳали кўп иш бериши мумкин эди. Айниқса, ҳозирги долзарб дамларда жуда асқотарди. Шу боис, Оқолтин тумани прокуратураси ушбу ишни жиддий баҳолашга лойиқ, деб топди ва ёрдамчи хўжалик мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан жиноят иши қўзғатди.

Экин-тикин — долзарб юмуш. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қаллоблик, ғирромлик ва талон-тарожга йўл қўйиш эса долзарб ишлар бажарилиши йўлига тўғаноқ бўлишдан бошқа ҳолат эмас. Бундай ҳолатларга йўл қўяётган шахслар ножўя қилмишлари учун жазо муқаррар эканлигини унутмасликлари лозим.

**Рауф ИСРОИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

# ШАРТНОМА — МАНФААТДОРЛИК ГАРОВИ

*(Давоми.*
*Боши биринчи бетда)*

Баъзи туманларда эса шартномалар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатга олинмагани аниқланди. Хусусан, Қизириқ туманидаги Йўлдош Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигида 2004 йил оилавий пудратчилар билан тузилган ғаллачилик бўйича 133 та ички хўжалик шартномалари туман қишлоқ ва сув хўжалигида негадир рўйхатга олинмагани аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Умуман олганда, ўтган уч ой мобайнида бошқарма ходимлари ёрдамида 60 дан ортиқ ширкат хўжаликларида 2032 та нотўғри тузилган шартномалар қайтадан қонун талаблари асосида тузилган.

хўжалиги бошқаруви раиси О.Сувонов эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Хўжалик молия ҳисоб маркази бошлиғи А.Менгноров ва унинг ёрдамчиси Х.Маҳмадиёровларга “ҳайфсан” интизомий жазоси қўлланилди. Шунингдек, бошқарма томонидан хўжаликлар билан бошқа шахслар ўртасида тузилган ташқи шартномаларнинг қонунийлиги ва ижроси ўрганиб чиқилганда бу борада ҳам қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Масалан, Музработ туманидаги “Янгиобод” ширкат хўжалигида техникаларни талон-тарож қилиш ҳолатлари мавжудлиги маълум бўлди. Умумий йиғимлар олиш учун олинган мақсадли 5000,0 минг сўмлик кредит маблағи 22 сонли тўловнома билан “Сурхонмашина трактор таъминотсервис” корхонасига “бутловчи қисмлар олиш учун” дея ўтказилган бўлса-да, аслида ана шу кредит устига яна хўжалик ҳисобидан 175,0 минг сўм қўшимча пул маблағи ўтказилиб, маҳсулот етиштириш жараёнида мутлақо ишлатилмайдиган “УАЗ” енгил автомашинаси харид қилинган. Банкдан олинган кредит эса бемақсад сарфланган. Адлия бошқармаси ушбу қонунбузарликлар юзасидан Музработ туман ҳокимлигига тақдимнома киритди.



Умуман айтганда, шартномавий муносабатлар юзасидан аниқланган камчилик ва қонунбузилишлар бўйича айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш учун 74 та тақдимномалар тегишли ҳокимликлар ва ширкат хўжаликларга юборилди. Ўтган йилги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан пудратчилар манфаатини кўзлаб, туманлараро фуқаролик судига 24188858 сўмлик жами 231 та даъво аризалари киритилди. Хусусан, Шўрчи туманидаги Ж.Хўжамиёров номидаги ширкат хўжалигига нисбатан 2471066 сўмлик 30 та, Қумқўрғон туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалигига нисбатан 4924983 сўмлик 69 та, Музработ туманидаги А.Набиев номидаги ширкат хўжалигига нисбатан 1193220 сўмлик 11 та даъво аризаси судга оширилди.

Шартноманинг асосий талабларидан бири бу етиштирилган ҳосил учун ҳақ тўланишидир. Лекин бу соҳада ҳам ўзбилармонлик, масъулиятсизлик, қандай йўл билан бўлса ҳам қарздорликдан қутулиш каби қонунбузарликларга йўл қўйилаётганлиги кечирилмас ҳолдир. Қизириқ туманидаги “Пилла қуритиш” МЧЖ ўтган йил топширилган 6080379 сўмлик пилла хомашёси эвазига оилавий пудратчиларига 1200 метр атлас ва шунга ўхшаш бошқа турдаги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилган. Адлия бошқармаси томонидан ушбу қонунбузарлик ҳолатлари атрофлича ўрганилиб чиқилди ва бу соҳада йўл қўйилган камчиликлар учун ширкат лиш қарори қабул қилинмаган бўлсада, 31-сонли тўлов топшириқномаси билан “Мурод бобо” фермер хўжалигига 196,0 минг сўмга “МТЗ-80” русумли тракторни сотиб юборилган. Шунингдек, ширкат хўжалиги Жарқўрғон туманидаги “Сурхон машина трактор таъминотсервис” корхонаси ўртасида тузилган шартномасига кўра, “УАЗ-469” русумли автомашинани сотиб олиш учун ҳуқуқшунос томонидан экспертиза хулосасини олмай туриб шартнома тузган. Энг қизиғи шундаки, шартномада автоуловнинг нархи, шартнома рақами, томонларнинг мажбурияти ҳамда хўжаликнинг реквизити кўрсатилмаган. Бунинг устига, хўжалик эҳтиёжига техник эҳтиёт қисмлар олиш учун...

Хулоса ўрнида айтсак, шартнома — қонуний ҳужжат. Уни амалдаги қонун талаблари даражасида тузиш тараққиётга кўмак десак, адашмаймиз. Чунки шартнома ҳамиша фермерга, тадбиркорга, оилавий пудратчига қўл келади.

**Чориёр АЛЛАЁРОВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

Minnatdorchilik

## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Янгийўл шаҳри ҳудудида жойлашган “Назира-Сервис” хусусий фирмасига 2003 йил октябр ойида, Янгийўл шаҳар ДСИ бошлиғи О.Қодиров томонидан қонунга зид равишда 1088000 сўмлик молиявий жарима қўлланилган эди. Шундан сўнг бир қатор мутасадди идораларга қонуний ҳуқуқимизни тиклашга ёрдам беришни сўраб мурожаат этдик. Уларнинг ёрдами билан ноқонуний молиявий жарима бекор қилиниб, тегишли маблағимиз фирмамиз ҳисоб рақамига тўлиқ қайтарилди. Бир сўз билан айтганда, адолат қарор топди. Бўлиб ўтган воқеалар баёни “Инсон ва қонун” газетасининг шу йил 2 март сонида чоп этилди. Шу муносабат билан ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга ёрдам берган Сиз ҳуқуқшуносларга, айниқса, Ислом Ноёбов ва мухбир Рустам Худойқуловга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун бор имкониятимизни ишга соламиз. Зеро, мамлакатимизда тадбиркорлик учун барча шароит яратилган. Бу ишонч ва масъулиятни оқлаш тадбиркорлар учун ҳам фарз, ҳам қарз.

**“НАЗИРА-СЕРВИС” ХУСУСИЙ ФИРМАСИ АЪЗОЛАРИ**

Tahrirsiz maktub

## “АРИЗА ЁЗГАН ЭМИШМАН...”

*Ҳурматли таҳририят! Бизнинг “Муяссар ота-Х” фермер хўжалигимиз 2002 йилнинг 5 мартида Жиззах туман ҳокимининг 302-сонли қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказилган. Унга 15 гектар сувли ер майдони ажратиб берилган. 2002 ва 2003 хўжалик йилларида фермер хўжалигимиз ғалла тайёрлаш ва сотиш шартномавий режаларини ортиғи билан бажарди. Фақат 2002 йилда пахта тайёрлаш режаси 49 фоизда, 2003 йилда эса 67,8 фоизда бажарилмасдан қолди.*

*Албатта, пахтачилик соҳасидаги сусткашлигимизнинг сабаблари бор. Мана, унинг биттаси. 2002 йил давомида фермер хўжалигимизга шартномада кўрсатилгани бўйича пахта ҳамда ғалла учун 3,7 тонна ёқилғи-мойлаш материаллари берилиши керак эди. Лекин ана шу нефт маҳсулотлари режалаштирилганидан бир тонна кам, яъни 2,7 тонна берилди. 2003 йилда ҳам шундай ҳол такрорланди.*

*Жиззах туман ҳокими шу йилнинг 6 март куни фермер хўжалигимизга ажратилган ер майдонини давлат ер захирасига қайтариш, яъни олиб қўйиш тўғрисида 421-сонли қарор чиқарибди.*

*Қарорнинг биринчи бандида шундай ёзилган: “Вилоят хўжалик судининг 2004 йил 14 феврал 13-0406/167 сонли иш бўйича ажрими ижро учун қабул қилинсин”.*

*Хўжалик суди судьяси А.Маматмусаев томонидан “Аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида” чиқарилган ушбу ажримни ўқиб, ёқамни ушладим. Ажримда кўрсатилишича, “Муяссар ота-Х” фермер хўжалиги раҳбари Т.Худойқулов, яъни мен туман ҳокимлигига ўз ихтиёрим билан ариза ёзиб ерни топширган эмишман. Шунинг учун даъвогар туман ҳокимлигидан қатнашган вакил ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъводан воз кечиб, иш юритишни тугатишни сўрабди.*

*Аслида мен ҳеч қачон фермер хўжалигимиздан ерни қайтариб олишни сўраб туман ҳокимлигига ариза ёзган эмасман. Суднинг ажрим нусхасида туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003 йилнинг 1 ноябр ҳолатига берилган маълумотномада фермер хўжалигимизнинг кредит қарздорлиги 2 миллион 928 минг сўм эканлигини билдик. Пахтачилик соҳаси ҳисоб-китобида 1 ноябр ҳолатига қарздорликни ҳисоблаб, банкротликка олиб бориш ҳам мантиққа тўғри келмайди. Бу пайтда йиллик пахта топшириш ҳисоб-китоби якунланмаган бўлади. Биз бехабар бу маълумот қаердан келди, кимга керак бўлди?*

*Шу йилнинг 20 январ куни «Учтепа» очиқ турдаги пахта тозалаш акциядорлик жамияти бош ҳисобчи ёрдамчиси Эргаш Пўлатов билан ҳисоб-китоб қилиб, икки томон ўртасида таққослаш далолатномаси туздик. Корхона фермер хўжалигидан 625 минг 636 сўм қарздор экан. Бундан ташқари, “Пилла” ҳамда «МТП» акциядорлик жамиятларининг ҳам биздан қарзи бор. Юқоридаги пул маблағлари фермер хўжалигимизнинг банкдаги ҳисоб рақамига тушмаганлиги сабабли солиқдан шу кунгача бўлган қарзимиз 315 минг 900 сўмни тўлаганимиз йўқ. Шундай қилиб, туман ҳокимлиги ерни биздан олиб “Севара мангу” фермер хўжалигига қўшиб берди. Ёзилмаган аризани дастак қилиб, тадбиркорлик субъектини шу йўл билан тугатиш мумкинми?!*

**Темур ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Жиззах тумани “Муяссар ота-Х” фермер хўжалиги раҳбари**

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Ҳурматли Т.Худойқулов! Хатингизга илова қилинган ҳужжатларни кўздан кечириб, мактубингизни таҳрирсиз чоп этдик. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддасида фермер хўжалигини тугатиш асослари кўрсатилган. Қонундан холи иш қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бироз сабр қилинг. Жиззахда қонун асосида масалага ечим топишга қодир идоралар бор. Арзингизни ўрганиб ким ҳақу, ким ноҳақ эканлигидан бизни ҳам хабардор қилади, деган умиддамиз.***

Dakki

***Неъматжон Хидиров Чуст туманининг Олмос қишлоғида яшайди. Суяги меҳнатда қотган, кўнгли очиқ одам. Бу тоифадаги одамлар бошқаларга ҳам худди ўзларига ишонгандек, ишонишади. Бироқ бу ишонувчанлик гоҳида панд бериши мумкин. Неъматжон ҳам ана шу ишонувчанлиги оқибатида чув тушиб қолди.***

# СОХТА “ФЕРМЕР”

Гап шундаки, у кўпдан буён хўжаликдан ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилишни режалаштириб юрарди. Шу мақсадда Поп туманининг “Дўстлик” ширкат хўжалигига мурожаат қилди. Нияти холис эканми, унга туман ҳокимининг 2002 йил 29 ноябрдаги 806-сонли қарорига мувофиқ хўжалик ҳудудидан 28,2 гектар ер ажратиб берилди. Фермер деҳқончиликнинг барча сир-асрорларини яхши билса-да, лекин хўжаликнинг ҳужжат ишларини юритишга бироз қийналди. Хўжалик аъзоси, Неъматжоннинг таниши Рустам Шарипов бундан “унумли” фойдаланди.

— Барча ҳужжат ишларини ўзим юритаман. Сиз ернинг “тили”ни топсангиз, бас, — деди у Неъматжонга.

— Дарвоқе, сен олий маълумотли йигитсан-ку, сенга ишонсам бўлади, — деди Неъматжон.

— Бўлмасам-чи, ҳаммасини қотириб ташлайман, — деди Рустам.

Шундан сўнг у “иш”га киришди. Дастлаб ўтган йилнинг феврал-апрел ойларида фермер хўжалигининг 10,6 гектар ерини 7 нафар ҳамқишлоқларига бир мавсум давомида деҳқончилик қилиш учун 3.100.000 сўмга сотиб юбориб, пулини жиғилдонига урди. Бу орада фермер хўжалигининг штамп ва муҳрларини ҳам қўлга киритди. Сўнгра Неъматжонни вазифасидан озод қилмай туриб, фермер хўжалиги таъсисчилар йиғилиши қарорини чиқариб, қонунга зид равишда ўзи фермер хўжалигига бошлиқ бўлиб олди. Табиийки, Неъматжон бундан бехабар эди. Рустамнинг “иштаҳаси” эса янаям очилиб кетди. 2003 йилнинг 31 март, 25 апрел, 16 май кунлари расмийлаштирилган 0822501, 0822502, 0822503-сонли чекларга Неъматжон ва хўжалик ҳисобчисининг отаси К.Шариповнинг имзосига ўхшатиб қўйиб, «Миллий банк»нинг Поп филиалидан аввал 580.000 сўм, кейинроқ 250.000 сўм, жами 830.000 сўмлик ишчиларнинг ойлик иш ҳақларини олиб кетди. Шундан атиги 100.000 сўмини ишчиларга тарқатди, холос. Қолганини...

Ҳамма ишларни хамирдан қил суғургандек битираётганидан илҳомланган “фермер” кўп ўтмай навбатдаги “операция”га қўл урди. У Чуст нефт омборидан 500 литр 87500 сўмлик бензин, 1300 литр 117494 сўмлик дизел ёнилғиси ҳамда “Қишлоқхўжаликкимё”нинг Поп филиалидан олинган 7750 килограмм карбомид минерал ўғитининг 5550 килограммини 491755 сўмлигини фермер хўжалигига кирим қилмай, ўзлаштириб юборди. Лўнда қилиб айтганда, у хўжаликка ҳаммаси бўлиб 4.526.749 сўмлик зарар келтириб, ўзи ваъда берганидек, ҳамма ишни “қотирди”.

Бироқ унинг бу қинғир ишлари узоққа чўзилмади. Суд уни Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топиб, қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Албатта, Рустамнинг кўрсатган “каромат”лари кишини ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Хўш, “қаҳрамон”имиз шунча хатти-ҳаракатлари билан нимага эришди?

Топгани бор-йўғи шармандалигу қонуний жазо бўлди, холос. Бу ўринда Неъматжоннинг кўнгилчанлиги, аниқроғи, лоқайдлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Чунки у Рустам дастлаб ерларнинг бир қисмини сотиб юборгандаёқ тегишли чора кўриши керак эди. Мана, кўнгилчанликнинг оқибати.

Шоли курмаксиз бўлмаганидек, ҳозир ҳам фермерларимиз орасида ерни олишга олиб, уни талон-тарож қилаётганлар йўқ эмас.

Аммо ноқонуний ва нопок иш барибир элга ошкор бўлмай қолмайди. Ундан кейинги афсус-надоматдан эса ҳеч кимга фойда йўқ.

**Улуғбек ТЎЙЧИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**журналист**

Bugunning gapi

# ЕР ОЛИШ ОСОНМИ?



Олтинсой туманидаги “Пахтазор” ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган “Феруз” фермер хўжалигининг бошлиғи Аҳмад Қулмуродов ер оламан деб икки йил азият чекди. Гап шундаки, фермер 2001 йилнинг октябр ойида 1-сонли алоқа хати билан ўз фаолиятини кенгайтириш ниятида қўшимча ер ажратишни сўраб хат билан мурожаат қилди. Туман ҳокимлигида ушбу хат 01-6/899-рақам билан кирим қилиниб, масалани ҳал этиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонов ҳамда “Пахтакор” ширкат хўжалиги бошқарув раиси Н.Мелиқуловга юклатилди. Улар бу ишга шошилмасдан ёндашишди. Ниҳоят, орадан уч ой ўтгач, 2002 йил 9 феврал куни бўлиб ўтган “Пахтакор” ширкат хўжалиги вакиллари йиғилишида “Феруз” фермер хўжалигига 1 жамоа пудрати майдонидан 15,0 гектар ер ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Аҳмад ака ширкат хўжалигининг ер ажратиш тўғрисидаги қарорини туман ҳокимлигига топширди. Бироқ ҳокимлик фермерга ер ажратиш тўғрисидаги қарорни асоссиз равишда рад этди.

“Феруз” фермер хўжалиги раҳбари 2002 йилнинг 31 март куни 2-сонли хат билан яна туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Гарчи фермернинг аризаси ҳокимликда 01-6/335 рақам билан кирим қилинган бўлсада, орадан ўн тўққиз кун ўтгач, қўшимча ер ажратиш рад этилганини билдиришди.

Орадан бир йил ўтгач, ширкат хўжалиги вакилларининг йиғилиши Аҳмад Қулмуродовга 392, 404,405,406,412,413 контурлардан 28,70 гектарлик ер майдонини 50 йил муддат билан ижарага бериш тўғрисида қарор чиқарди. Фермер уни яна туман ҳокимлигига тақдим этди. Аммо ҳеч бир натижага эришолмади...

“Умидли дунё”, дея фермер ўтган йилнинг 24 декабр куни қўшимча ер ажратиб беришни сўраб яна ариза ёзди. Янги йил арафасида унга қўшимча ер ажратиш масаласи ширкат хўжалигининг 2004 йилдаги навбатдаги умумий йиғилишида кўриб чиқилиши тўғрисида ёзма жавоб олди.

Шундан сўнг фермер бу сарсон-саргардонликлардан бирон-бир натижа чиқмаслигини англаб етди ва вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этди. Адлия бошқармаси ходимлари масалани атрофлича ўрганиб чиққач, фермер ҳақ эканлиги, унга қўшимча ер ажратиш лозимлиги, ушбу масалани ижобий ҳал этиб, айбдор шахсларга нисбатан интизомий жазо қўллаш тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритди. Ниҳоят, шу йилнинг март ойи охирида “Феруз” фермер хўжалигига 28,70 гектарлик ер майдони ажратиш тўғрисида туман ҳокимлигининг қарори чиқди. Шу тариқа адолат тантана қилди. Аммо унинг йўли фермер Аҳмад Қулмуродов учун жуда узун бўлди. Икки йиллик сарсонликдан сўнг ниятига эришди. Ваҳоланки, бундай сансоларликнинг олди аллақачон олинган, барчаси қонун талаблари асосида амалга оширилган бўлиши лозим эди.

**Зокир ШОНИЁЗОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Menda taklif bor

## ҚОИДА ҲАММАГА БАРОБАР...

Юртимизда автомашиналар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу ҳам фаровонлик белгисидир. Шунингдек, бу ҳол кўча ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишни тақозо этади. Қоида бузган ҳайдовчига давлат автомобил назорати ходимлари тегишли тартибда чора кўриши ҳаммага яхши маълум. Лекин эътибор берилса, баъзан йўл-транспорт ҳодисалари пиёдаларнинг айби билан содир этилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Айниқса, бозор атрофидаги кўчаларнинг ўтиш жойларида кўча ҳаракати қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари учрайди. Бироқ одатда уларга ҳеч қандай чора кўрилмайди. Ҳолбуки, қоида бузган ҳайдовчи дарҳол жазоланади. Шу ўринда қуйидаги таклифни билдирмоқчиман: кўча ҳаракати қоидасини бузган пиёда йўловчиларга ҳам жазо кўриш лозим. Ана шунда йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олиниб, юртдошларимизнинг соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлиги таъминланади. Бу таклифим ҳаммага маъқул бўлади, деб ўйлайман.

**Баҳодир СУЮНОВ,**
**ўқитувчи**

Talab, taklif, mulohaza

# ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК: ЖАЗО ВА САМАРА

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Иккинчи гуруҳ бир туркумдаги жиноятлар — гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш; контрабанда ва божхона қонунларини бузиш; савдо соҳадаги жиноятлар; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва шунга ўхшаш бошқа қарорлардан иборат. Суд процессида жиноят-процессуал кодексидаги меъёрларга риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан, мисол учун биринчи босқич судида ишни муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиш; суд ҳукми тўғрисида; апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш; жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш; гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш ва бошқа қарорлар **учинчи** гуруҳни ташкил этади. **Тўртинчи** гуруҳга маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар юзасидан қабул қилинган қарорлар киради.

Назаримизча, Олий суд Пленумининг қарорларидаги тушунтиришлар тергов ва суд амалиётида жиноий қилмишни тўғри малакалаш, Жиноят-процессуал кодекс меъёрларига тўлиқ амал қилган ҳолда жиноят ишини синчиковлик билан холис ва ҳар томонлама тергов қилиш ва судда муҳокама қилиш ҳамда ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга кўмаклашади. Аммо шу ўринда унутмаслик кераки, мустақиллиги қонун билан кафолатланган судья иш юзасидан аниқ тўхтамга келишда ўзининг ички ишончи ва ҳуқуқий онгига таянган ҳолда Олий суд Пленумининг тушунтиришларидан оқилона фойдалана билиши зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд амалиётида иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини мазмунан кўриб ҳал этишда моддий ва процессуал қонун ҳужжатлардаги меъёрларни қўллашда баъзи бир муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноий қилмишни малакалашда ўхшаш таркибли жиноятларни бир-биридан фарқлаш, талон-торож миқдорини аниқлашда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекс ва Жиноят кодексидаги миқдорлардаги чегарани аниқлаш ёки иштирокчиликда жиноят содир этган айбдорлардан зарарни ундириш, муқобил жазолардан енгиллини тайинлаш, тергов ва суд жараёнида зарарни қоплаш чорасини кўриш жиноят натижасида моддий зарар кўрган жиноят қурбонлари-жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тўлиқ тиклаш ва қонунда кўрсатилган воситалар ёрдамида ҳимоялаш каби масалалар ана шундай муаммолар сирасига киради.

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 61-моддасида мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, фақат корхона, муассаса, ташкилот мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Қайд этган усуллардаги талон-торожнинг миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаслиги керак.

Ушбу миқдордан келиб чиққан ҳолда юқорида санаб ўтилган усуллардан бирида (ўғрилик, фирибгарлик ва ҳакозо) содир этилган майда талон-торож неча марта (жумладан, такроран) содир этилганидан қатъи назар, шахснинг қилмиш «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 61-модда билан малакаланиши керак, деган фикрдамиз.

Талон-торож миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ҳисобланади. Суриштирув идораси ёки суд талон-торож этилган мулкнинг қийматини мутахассисни жалб этган ҳолда муайян ишнинг ҳолатларига қараб, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги бозор ёки биржа нархларида баҳолайди. Бу ҳақда **"Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"**ги Низомда батафсил тушунча берилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мулкини ўғирлик ёки фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишда маъмурий жавобгарлик эмас, балки мулкнинг қийматидан қатъи назар, шахснинг қилмишида жиноий жавобгарлик мавжуд, деб баҳоланиши лозим.

Шунинг учун Жиноят кодексининг 169 ва 168-меъёрларининг 1-қисми мазмунига кўра, фуқароларнинг мулки ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан талон-торож қилинганда жиноий жавобгарликка тортишда мулкнинг қиймати, миқдори аҳамиятга эга эмас. Аммо суд бундай ишлар юзасидан қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, нафақат Жиноят кодекси 66[1]-моддаси, балки ишни кўриш учун тайинлаш босқичида Жиноят кодексининг 65 ва 66-моддаларида кўрсатилган асослар мавжуд деб ҳисобласа, ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисмининг тегишли бандини қўллаб ишни тугатиш масаласини муҳокама қилишга ҳақли. Чунки **биринчидан,** ЖКнинг 65 ва 66-моддаларини қўллаб ишни тугатиш учун айбдор зарарни қопланганидан ташқари айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлиши (ЖК 66м), шунга ўхшаш қилмиш ижтимоий хавфлигини ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотган (ЖК-65) бўлиши лозим.

**Иккинчидан,** бу жиноятлар хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига кириши сабабли бундай ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласини суд ишни кўришга тайинлаш босқичида ҳал қилиши мумкин. Аммо ЖПКнинг 401-моддасида **"мазкур кодекснинг 83 ёки 84-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлганда ишни тугатиш мумкин"** дейилган. Бироқ ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисмида зикр этилган асосларда ишни тугатиш ЖПКнинг 405-моддасида кўрсатилмаган. Шу нуқтаи назардан қараганда, суд амалиётида ЖКнинг 84-моддаси 5-қисми билан ишни тугатишга имкон яратиш зарурлигини эътиборга олиб, ЖПКнинг 401-моддасидаги "84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган" жумласини "84-моддасидаги ҳолатлар" деб ўзгартиришни таклиф этамиз.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

Islohot samarasi

***Оила — кичик Ватан. Унинг бир даргоҳи остонадан, яна бири эса қалбдан бошланади. Тарбия ва аҳиллик оила барқарорлигининг энг муҳим шарти саналади. Ўз навбатида аҳиллик — тарбиянинг ҳам меваси. Шу билан бирга, оила фаровонлигининг бошқа қатор шартлари мавжуд эканини унутмаслик зарур. Бу омиллар турмуш тараққиётининг жадаллашуви ҳамда мамлакатимизда қадди ва қадрини тиклаётган қадриятлар, анъаналар, урф ва одатлар билан чамбарчас боғлиқ.***

# ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Албатта, мамлакатимиз дунёнинг экологик номутаносибликлар мавжуд минтақасида жойлашган. Буни назарда тутадиган бўлсак, оилавий турмуш маданияти, она ва бола соғлиғи, репродуктив саломатлик каби масалаларнинг долзарб эканини тасаввур этиш қийин эмас. Қолаверса, фарзандлари соғлом юртнинг толеи ҳамиша баланд бўлишини ҳаёт аллақачон исбот этган. Айни пайтда жисмоний баркамоллик оила равнақи ва аҳиллигининг ҳам гарови ҳисобланади. Мамлакат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун оилалар ялпи саломатлигининг аҳамияти катта. Ва бу масала давлатимиз диққат-эътиборида тургани бежиз эмас.

Оила остонасига қадам қўяётган ёшларни мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи турмушимиз кун тартибига қўйилганлиги бу ғамхўрликнинг яна бир ифодаси сифатида эътироф этилмоғи даркор.

Маълумки, "Оила" кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўрикдан ихтиёрий тарзда ўтказиш лозимлиги қайд этилган. Аммо давлатимизнинг авлодимиз жисмоний етуклигини таъминлашга қаратилган олийжаноб мақсади оила қураётган ёшларнинг соғлиғини янада мустаҳкамлаш заруратини юзага келтирди ва бу масала Вазирлар Маҳкамасининг **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"**ги 2003 йил 25 августда қабул қилган қарорида ёрқин акс этди. Мазкур қарорга асосан ёшларни мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби жорий этилди. Ушбу қоида амалга киритилганидан буён ўтган 4 ой ичида биргина бизнинг туманимизда 250 дан зиёд оилавий жуфтлик тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу 2003 йилга нисбатан 100 та кўпдир. Қарорнинг ёшлар саломатлигига ижобий таъсирини ана шунинг ўзидан ҳам билиш мумкин.

Халқимизнинг нияти холис: ота ҳам, она ҳам, уларнинг зурриёдлари ҳам соғ-саломат бўлсин, юртимиз комил инсонлар ватанига айлансин, бунинг шарофатидан мамлакат кучга тўлиб, ҳар бир оила бахтли яшасин, тинч ва осойишта турмуш кечирсин.

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг асосий мазмун-моҳияти ана шундан иборат. Мажбурий тиббий кўрик қарорда белгиланган кўламдор вазифаларнинг бири холос. Тегишли тиббиёт муассасалари кўрикни бепул амалга оширадилар. Шунингдек, никоҳи қайд этилган ёшлар жойлардаги репродуктив саломатлик марказларининг назорати ва диққат-эътиборида турадилар.

Миллат ва авлод соғлиғининг долзарб масала ҳамда муаммолари тегишли ФҲДЁ, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар муассасалари, қолаверса, маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан мунтазам ўрганиб борилади. Бу борадаги амалий ишлар билан бир қаторда тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш тадбирларига кенг ўрин берилади.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Muloqot

# ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

**1.САВОЛ:** ***Биз оилавий пудрат шаклида ер олиб тўрт йил меҳнат қилдик. Оиладаги даромадимизни ҳеч қачон ажратмаганмиз. Ҳозир баъзи бир жиддий сабабларга кўра, эрим билан ажрашмоқчиман. Бизнинг аввал биргаликда орттирган даромадимиз қандай тақсимланади? Мен ўз улушимни қандай ажратиб оламан?***

**1.ЖАВОБ:** Биргаликда жамғарилган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари Фуқаролик кодексининг 216-226 моддаларида тўлиқ ёритилган. Мазкур кодекснинг 226-моддасига кўра, умумий мол-мулкни биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, шунингдек, улардан бирининг улушини ажратиб дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улуши аниқланганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Умумий мулк тақсимланганда ва ундан улуш ажратилганда, агар қонун ёки иштирокчиларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларнинг улуши тенг ҳисобланади. Улушли мулк иштирокчиси, яъни сиз ўз улушингизни ажратиб беришни сўраб, судга мурожаат қилишингиз керак.

**2.САВОЛ:** ***Ёшим 18 да. Мактабни битирганимга бир йил бўляпти. Тезроқ иш топишим учун кимларга мурожаат қилишим керак? Бирор иш топгунга қадар қандай моддий ёрдам олишим мумкин?***

**2.ЖАВОБ:** Бундай ҳолда маҳаллий меҳнат биржаларидан рўйхатдан ўтиш керак, сўнг ишсизлик нафақаси тўланади. Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат биржасидан рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

— иш ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календар ҳафта;

— илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календар ҳафта мобайнида тўланади.

**Адҳам ОДИНАЕВ**
**тайёрлади.**



Улуғворлик

Jinoyatga jazo muqarrar

***Ҳар бир одам ўзига яраша орзу-ҳавас ва яхши ният билан яшайди. Одамзот боласи яхши ишласам, бола-чақа орттирсам, қариган чоғимда ҳузурини кўрсам, деган умидда елиб-югуради, машаққат чекади. Яна биров эса бошқаларга яхшилик қилсам, яхши ном орттирсам, деган ўй-фикрда умр кечиради.***

# БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ

Лекин ҳаётда шундай кимсалар ҳам борки, уларнинг қилган ишига қараб ёқа ушлаб қолишдан ўзингизни тия олмайсиз. Дилшод Ҳабибов беш йил озодликдан маҳрум қилиниб, Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармонига биноан муддатидан илгари озодликка чиқди. Бироқ у бу бағрикенгликдан ўзига тегишли хулоса чиқара олмади. Текинтомоқлик билан кун кечиришни ният қилган Дилшод Қўйлиқ бозоридаги ошхонада ароқ ичиб олди-да, қўйнига пичоқ қистириб фуқаро З.Эсонованинг уйига равона бўлди. Уй эгасига ўзини "газчиман" деб таништирди. Хонадон эгаси шубҳа-гумонсиз эшикни очди ва сўраб-суриштириб ўтирмасдан Дилшодни тўғри ошхонага бошлади. Дилшод йўл-йўлакай аёлдан эрининг уйда бор-йўғини билиб олди. Аёл эри ишда эканини айтгач, Дилшод дарҳол қўйнидаги пичоқни чиқариб, аёлнинг бўйнига тиради ва ундан тилла зирагини ечиб беришни талаб қилди. Аёл кутилмаган ҳаракатдан эсҳушини йўқотиб, 100 минг сўм турадиган тилла зиракни ечиб, Дилшоднинг қўлига тутқазди. У осонгина қўлга киритган «ўлжа»ни Қўйлиқ бозорида бир аёлга арзон нархга сотиб юборади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, орадан кўп вақт ўтмай Дилшод бозорда М.Муталованинг қулоғидаги тилла зирагини кўз остига олди. Аёл бозор-ўчар қилиб уйига йўл олгач, Дилшод ҳам унинг орқасидан изма-из йўлга тушди. М.Муталова хилват жойга борганда Дилшод унга пичоқ ўқталиб тилла зирагини ечиб беришни талаб қилди. Аёлнинг ялиниб-ёлворганига қарамасдан, Дилшод унинг қулоғидаги зиракларини мажбуран ечиб олиб, Қўйлиқ бозорига қараб қочади. Бироқ бу гал Дилшод ниятига етолмади. Тилла зиракни бозорда арзон-гаровга пуллаётган пайтда гувоҳлар ёрдамида қўлга олинди. Яқинда жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани суди Дилшод Ҳабибовнинг қилмишига қонуний баҳо берди.

Дилшод бир марта аччиқ ҳаётни бошдан кечиргандан кейин бошқалардек яхши яшаши, ўз оиласи бағрида тинчгина ҳалол ризқини териб юриши мумкин эди. Бунинг учун унга имконият ҳам берилганди. Лекин у бундай имкониятдан фойдаланиш у ёқда турсин, бу хусусда ўйлаб ҳам кўрмади. Энди эса пушаймон бўлишдан фойда йўқ.

**Мукаррам СИДДИҚОВА,**
**ҳуқуқшунос**

Jahon tajribasi

***Дунё миқёсидаги оламшумул муаммоларни ҳал этишда Бирлашган Миллат Ташкилоти фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Инсониятга азоб-уқубат, кулфатлар келтирадиган уруш офатларидан келгуси авлодларни халос этиш, инсон ҳуқуқларининг халқаро миқёсда ҳурмат қилинишини таъминлаш БМТ фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу эзгу мақсадлар БМТнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларида ўз ифодасини топган.***

# INTERNATIONAL PROTECTION PACT

Ушбу ҳужжатларда халқлар ва инсон ҳуқуқларига қарши ҳарбий куч қўллаш ва таҳдид қилишни тугатиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат, барча учун умум бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва келажак авлод учун авайлаб-асраб сақлаш каби инсон тақдири билан боғлиқ масалалар кафолатланган. Ана шундай халқаро ҳужжатлардан бири Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ҳисобланади. Мазкур Пакт муқаддима, беш қисм, 31-моддадан иборат бўлиб, унда фуқароларнинг бу соҳага дахлдор ҳуқуқларининг умумий тизими баён этилган. Хусусан, Пактда меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи, меҳнат учун адолатли иш ҳақи олиш, касаба уюшмалари тузиш ва уларга кириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, етарли турмуш даражаси ҳуқуқи, очликдан ҳоли бўлиш, соғлиқни сақлаш ва билим олиш ҳуқуқлари эътироф этилган.

Пактда белгиланишича, ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалари тузишга ёки ўз ихтиёри билан ана шу уюшмаларга киришга ҳақли. Бундан ташқари Пактда жамиятнинг асосий негизи ҳисобланган оилага кенг кўламда ёрдам бериш зарурлиги таъкидланган. Айниқса, фарзанд туғилишдан олдин ва туғилганидан кейин оналар ҳар томонлама муҳофаза этилиши зарур. Пактнинг 12-моддасида барча кишиларга тиббий мадад берилиши ва бетоб бўлиб қолганида тиббий мадад кўрсатишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратилиши шартлиги белгиланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур Пактда инсоннинг очликдан холи бўлиш ҳуқуқини таъминлашнинг аниқ дастури белгилаб қўйилган. Жумладан, унда техникавий ва илмий билимлардан кенг фойдаланиш, овқатланиш таомиллари тўғрисидаги билимларни ёйиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, аграр тизимни такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, озиқ-овқатни сақлаш ва тақсимлаш усулларини яхшилаш каби масалалар батафсил таҳлил этилган.

Инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш масаласи ҳам Пактда кўрсатиб ўтилган. Боланинг соғлом ўсишини таъминлаш, ташқи муҳит ва саноатдаги меҳнат гигиенасининг барча жиҳатларини яхшилаш, юқумли ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, шу касалликларга қарши курашиш, барча кишиларга табиий ёрдам берилишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш шулар жумласидандир.

Пактда ҳар бир инсоннинг билим олиш ҳуқуқи ҳам эътироф этилган. Унда айтилишича, таълим инсон шахсининг камолга етиши ва ўз қадр-қимматини бекаму-кўст англашига кўмаклашиши ҳамда инсон ҳуқуқларига ҳурматни мустаҳкамлаши лозим. Шунингдек, таълим барча фуқарога эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишига имконият яратиши, миллатлар ва диний гуруҳлар ўртасида дўстликка ёрдам беришга йўналтирилиши шарт. Пактда бошланғич таълимнинг барча учун мажбурий ва текин бўлиши алоҳида белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ, ҳар бир давлат ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда тадрижий тарзда бепул таълимни олмаган ёки бошланғич таълимнинг тўлиқ тугалламаган фуқаролар учун билим олишни ташкил этиш зарур.

Бундан ташқари, ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг маданий ҳаётдаги ўрни, илмий тараққиёт ва уни амалда қўлланиш натижаларидан фойдаланиши, ўзи муаллифи бўлган илмий адабиётлар ёки бадиий асарлари муносабати билан юзага келган маънавий ва меҳнат манфаатлари ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга мажбурдир.

Ҳозирги пайтда ушбу Пактни кўплаб давлатлар ратификация қилган бўлиб, улар ўз халқи учун муносиб турмуш шарт-шароитларини яхшилашни таъминлаш мажбуриятини олишган. Энди Пактни амалиётга жорий этиш масаласига тўхталсак, ҳар бир аъзо давлат баён этилган ҳуқуқларни амалга ошириш тўғрисида маъруза тайёрлайди. Уларни экспертлар қўмитаси кўриб чиқади. Бу қўмитани БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаши тузади. Шу тариқа Пактда белгиланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш доимий назорат қилиб борилади.

**Сардор БОЗОРОВ**

Jurnalist surishtiruvi

# ҚОҒОЗДА ҚОЛАЁТГАН ҚАРЗ

***Хонободлик тадбиркор Муроджон Жўрабоев ўзининг "Тоҳир" хусусий кичик корхонаси ишчилари билан биргаликда белгиланган тартибдаги шартнома ва лойиҳа асосида шаҳар Шошилинч тиббий ёрдам Марказини қуришди. Аммо бажарилган ишлар учун 2001 йил декабр ойидан буён ҳақини олгани йўқ. Бу ҳақда "Инсон ва қонун" газетасининг 2003 йил 28 октябр куни сонида "Билса ҳазил, билмаса чинми?" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Бироқ шундан кейин ҳам муаммо ҳал этилмади.***

"Тоҳир" хусусий кичик корхонасининг манфаатини кўзлаб, Андижон вилоят адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суднинг 2003 йил 28 ноябрдаги ажрими билан Хонобод шаҳар ҳокимлиги иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилинган. Вилоят хўжалик суди бу ишни 2003 йил 16 декабр куни кўриб чиқиб, ҳал қилув қарорини қабул қилди.

Суд мажлисида хусусий кичик корхона раҳбари Муроджон Жўрабоев даъвони қувватлаб, шундай деди:

– Бажарган ишларим учун 2001 йилнинг декабр ойидан буён ҳаққимни ололмаяпман. Адлия вазирлигига мурожаат қилганимдан сўнг адлия бошқармаси даъво ариза билан хўжалик судига мурожаат қилди. Шартномага кўра, 2-шакл асосида ҳисоб-китоб қилинади, дейилган. Мен бу шаклларни ойма-ой топшириб, 2001 йилнинг декабр ойида охиргисини топширганман. Бу бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномага марказий шифохона бош ҳакими Муқимжон Комилов имзо қўйган. Кейинчалик ушбу ҳужжатларни Хонобод шаҳар ҳокими Махсум Мусаев тан олмай, нотўғри деб топиб, ҳисоб-китобни амалга оширмади. Ушбу суд мажлиси тайин этилгунига қадар кичик корхонанинг фаолияти уч маротаба текширилган. Прокуратура томонидан тайин этилган экспертиза хулосасига кўра, 13 миллион 43 минг 346 сўм ҳақдор бўлиб чиқдим. Ушбу экспертиза хулосасига розиман. Шунга кўра ўша 13 миллион 43 минг 346 сўм асосий қарзни, 3 миллион 752 минг сўм устамани ундириб беришни сўрайман.

Суд даъвогар-у жавобгар вакилларининг сўзларини тинглаб, барча далилларни муҳокама қилиб, ишга аниқлик киритди. 2001 йил март ойида Андижон вилоят ҳокимлигининг "Вилоятда шошилинч тиббий ёрдам тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида"ги 36-к-сонли қарори қабул қилган. Мазкур қарорнинг 1-бандида шаҳар ва туманлар ҳокимликлари шошилинч тиббий ёрдам шаҳобчаларининг қайта таъмирланишига маҳаллий ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан буюртмачи этиб тайинланган.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Хонобод шаҳар ҳокими Маҳсум Мусаев ўзининг 2001 йил 16 мартдаги 82-к-сонли қарорини қабул қилган. Мазкур қарор билан шаҳар ҳокимлиги ўз зиммасига вилоят ҳокимлигининг қарори билан юклатилган вазифасини бажаришни бошқа субъект зиммасига юклаган, яъни таъмирлаш ишлари олиб боришни шаҳар марказий шифохонаси зиммасига юкланган ва у буюртмачи этиб тайинланган. Қарорнинг ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимлигининг бош мутахассислари Ҳ. Назиров ва А.Юсуповларга топширган.

Мазкур қарор асосида ҳокимликнинг бош мутахассислари назорати остида Андижон жамоа хўжаликлараро кенгаши номидан марказий шифохона билан "Тоҳир" кичик корхонаси ўртасида 2001 йилнинг 1 апрелида 110 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажариш, 2001 йилнинг 2 апрелида Хонобод шаҳар марказий шифохонаси билан "Тоҳир" кичик корхонаси ўртасида 50 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида иккита шартнома тузилган.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Illat

***Тез ва осон бойишни ким ҳам истамайди, дейсиз?! Бунинг минг битта йўли бор. Шулардан бири — шайтоннинг йўриғига юриб, унинг талабларини бажармоқ. Оқибати-чи?***

# ШАЙТОН ҚУТҚУСИГА УЧИБ

Наргиза ҳам қимматбаҳо буюмлар, кўпроқ узук ва сирға олди-сотдиси билан шуғулланиб юрарди. Бундан қоладиган фойда жуда от билан туядек бўлмаса-да, ҳар ҳолда ёмон яшамасди. Лекин қолаётган фойда Наргиза истаганидек, тезроқ бойиш имконини бермасди. Нима қилиш керак?!

— Сен фақат тақинчоқларни ўйлама, қўшни давлатга тез-тез бориб турибсан, ўша жойдан гиёҳванд модда келтирсанг, икки-уч баравар фойда қолади.

Бу овозни ғойибдан эшитиб, Наргиза аввалига чўчиб кетди. Наҳотки, шу ишгаям қўл урса, ахир, гиёҳванд модда савдоси билан шуғулланаётганлар ҳам, уни истеъмол қилаётганлар ҳам охир-оқибат хароб бўлади-ку! "Йўқ, йўқ, бўлмайди, унинг ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам хароб қилиш нияти йўқ. Оч қорним, тинч қулоғим".

Аммо шайтон ҳам сўзидан қайтмас экан. Ўша гапини Наргизанинг қулоқлари остида тез-тез такрорлайдиган бўлди. Айниқса, қўшни давлатга зеб-зийнат буюмлари сотиб олишга бораётганида шайтон нақ елкасига чиқиб олиб сайрарди. Охири шайтон юмшади:

— Бир-икки мартага ҳеч ким билмайди. Сен улгуржи ол, шунга яраша фойда қолади.

Наргиза шайтоннинг гапига кирмоқчи эмасди. Бироқ бир тасодиф рўй берди-ю, у шошиб қолди. Савдо-сотиқ қилиб, шу соҳанинг билимдониман, деб юрган Рашид исмли киши билан танишиб, қалинлашиб кетди. Бир куни Рашид шундай деб қолди:

– Бироз қийналиб қолдим. Менга 500 доллар қарз бериб тур.

— Менинг аҳволим ҳам яхши эмас-да, — деди Наргиза.

— Сен аҳволингни яхшилашинг мумкин. Илгари Тожикистонда яшаган экансан. Агар йўлини топиб 2 килограмм «героин» олиб келсанг, харидор ҳам бор. Ана, мўмай даромад.

Наргиза аввалига Рашид билан шайтоннинг гапи бир жойдан чиққанидан қўрқиб кетди. "Йўқ, йўқ, қўлимдан келмайди", деб унамади. Анча кун шайтоннинг фикрдошига кўриниш бермай юрди. Бироқ шайтондан қочиб бўлмас экан. Шайтон ҳар куни унга таъна қиларди:

— Эҳ, сенга шундай ҳамсояни рўбарў қилиб қўйсаму, ундан яшириниб юрсанг?.. Бу аҳволда биринг икки бўлмас экан-да! Бор олдига, тавба қил, айтганини бажар.

Наргиза ҳам унча-мунча гапга кириб юмшайдиган эмасди. Бормади. Шайтоннинг гапига қулоқ осмади. Умуман бормасди-ю, бу Рашид деганлари шайтонга ҳам дарс берар экан, шекилли, Наргизани чақиртириб, қистаб қўймади. Охири борди. Рашид уни Альберт исмли шахс билан таништирди. Ўз навбатида, у ҳам тошкентлик "Люда" ва "Абдулла" исмли мижозлар билан таништириб қўйди.

Мижозлар ҳам иложи борича қўшни давлатдан «героин»ни кўпроқ олиб ўтиб, Ховосга келтириб беришини илтимос қилишди. Наргизанинг қарзлари кўпайиб бораётганди. Агар героин олиб келиб, улгуржи сотса, анча қарзидан қутулиб қоларди. Шу боис «героин»ни арзонроқ олиб, устига анча пул қўйиб, мижозларга сотиш фикри унга маъқул келди. Бошламасига бир кило «героин» келтиришга рози бўлди. Мижозларнинг телефон рақамини олиб қолди.

Лекин қоп кўтариб бориб, уни тўлдириб келиш осон эмас экан. Гиёҳфурушларнинг ҳам ўзига яраша анча инжиқликлари чиқиб қолди. "Э, бор-э", деб Наргиза бу йўлдан қайтиб юборарди-ю, бирданига хаёлига доно фикр келиб қолди. Бу ишни эркак киши орқали бажарса бўлади-ку! Мана, холасининг қайниси Бахтиёр Ховосда яшайди, агар истаса, унинг қўлидан бу иш келади.

Ўтган йили холаси меҳмонга келганида, Бахтиёрникига ҳам бирга кириб чиқишганди. Уйини адашмай топиб борди. Бахтиёр уни маҳзун қиёфада кўриб ҳол-аҳвол сўради.

— Анча қийналиб қолдим. Қарзларимдан тезроқ қутулиш учун у-бу олиб сотсам дегандим. Сизни Тожикистонда танишларингиз кўп. Шулар орқали "дори" гаплашиб берсангиз.

— Йўқ, бўлмайди. Хавфли иш, иккинчидан, чегарадан олиб ўтиш осонмас.

— Илтимос, йўқ деманг. "Клиент" ҳам бор. Камида бир килограммга рози бўлди. Менга фақат сиз ёрдам берасиз, аҳволимни анча яхшилаб олардим.

Бахтиёр бундай ўйлаб қараса, Наргизанинг қариндошчилиги бор. Ҳаракат қилиб кўрса бўлар, йўқ, деб тургандан кўра, ёрдам бериши керакдир.

— Майли, суриштириб кўрай-чи, — деди у.

Сўнг Наргиза ишни тоза пишитиб олмоқчи бўлди. Тошкентдаги "мижоз"га қўнғироқ қилиб, аввал пулни олиб келиб кўрсатинглар, деди. "Абдулла" яна бир киши билан Ховосга етиб келди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Islohot samarasi

# ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, миллат ва авлод соғлиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ушбу чора-тадбирлар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Балки турли экологик етишмовчиликларнинг пайдо бўлиши, аҳоли турмуш маданияти ва санитария-тозалигига оид камчиликлар, айниқса, хорижий алоқаларнинг ривожланиши жараёнида айрим касалликларнинг юртимизга кириб келиши қатор долзарб муаммоларни олдимизга кўндаланг қўйди.

Собиқ шўро даврида туғилган чақалоқларгагина бир нави эътибор қаратиларди. Бугунги кунда эса туб саломатлик учун кураш соғлом она ва соғлом ота авлодини вужудга келтиришдан бошланаяпти. Бунинг аҳамияти катта. Кўрилаётган тадбирлар наинки туғилажак фарзанд, балки бўлажак она ва отанинг ҳам соғлиғини кўзда тутади.

Бинобарин, оила қураётган ёшлар соғлиғига оид муаммолар ҳам анчагина. 2003 йили туманимиз бўйича 1015 та янги оила таркиб топди. Ихтиёрийлик қоидаси амалда бўлган ушбу даврда оилавий турмушга қадам қўяётган жуфтликларнинг атиги 149 таси ёки салкам 15 фоизи тиббий кўрикдан ўтди. Натижада эса келинлик либосидаги қизларнинг қарийб ярми ёки 68 нафари камқонлик касалига учрагани маълум бўлди. Уларнинг 18 нафари касалхона, 42 нафари амбулатория шароитида даволашга юборилди. Бу тадбир оилаларга репродуктив саломат-



ликни таъминлаш гаровига айланганi шубҳасиз. Бироқ ихтиёрийликни назарда тутиб, тиббий кўрикка келмай турмуш қурган ёшларнинг жисмонан соғлом эканига ким кафолат беради?

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у жисмонан соғлом оилаларнинг таркиб топишини кафолатлайди. Қарор кучга кирганидан сўнг никоҳланган йигит ва қизларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Демак, уларнинг соғлиқ даражаси равшан. Аниқланган хасталикларни даволаш учун эса имкониятлар етарли ва бу иш амалда ўз ижросини топмоқда. Туманимизда соғлом ва истиқболли оилалар сони сезиларли даражада ортаяпти. Афсуски, муқаддам бундай имконга эга эмас эдик. Никоҳни қайд этувчи муассаса ходими сифатида айнан жисмоний қусурлар сабаб юз берган ажралишларга кўп марта гувоҳ бўлганман. Оила, турмуш муносабатлари, хусусан, тиббий кўрикка нисбатан лоқайдлик ва беписандлик ҳолатлари ҳозир ҳам йўқ эмас. Никоҳни расман қайд этмай оила қураётганлар ҳам бор. Соғлиқ билан боғлиқ муаммолар айнан ана шундай норасмий, ноқонуний қурилган оилаларда юзага келади.

Хўш, бу каби камчилик ва нуқсонларни қандай бартараф этиш мумкин? Бу борада мажбурий-амалий тадбирлар билан бирга даъваткор ва таъсирчан тарғибот-ташвиқотнинг аҳамияти катта. Албатта, бу вазифани фақат ФҲДЁ бўлимининг саъй-ҳаракати билан амалга ошириш қийин. Шу боис кўпинча мазкур ишларга мутасадди фаол аёлларнинг салоҳиятига, умум ишимизга бўлган ишончи, ихлосига суянамиз. Асосий эътиборни ёш оналар, ўсмир ва талаба-қизларга қаратаяпмиз. Бу соҳада туман педагогика ва қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари, Х.Олимжон, Феруз, Беруний номидаги мактабларда туман хотин-қизлар қўмитаси раиси О.Машарипова, репродуктив саломатлик маркази раҳбари М.Бобожонова, Хазорасп шаҳарчаси хотин-қизлар қўмитаси раисаси М.Рўзиматова, марказий туғруқхона бош шифокори Б.Саидабдуллаевалар бошчилигида ўтказилаётган тадбирлар кутилган натижани бермоқда. Баъзан ҳаётда айрим ёш келинлар турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотаси ва бошқалар олдида ўз соғлиғини рўкач қилишдан иймана-дилар, истиҳола қиладилар. Оқибатда оила-турмуш ташвишлари биринчи, соғлиқни тиклаш, турмуш маданияти масалалари кейинги ўринга сурилади. Репродуктив саломатлик ёки соғлом бола тарбияси издан чиқиши учун шунинг ўзи кифоя. Ёш оилаларнинг бу муаммолари ечими хусусида ёшлардан кўра хонадон соҳиблари, пиру-бадавлат отахон-онахонлар, маҳалла-кўй фаоллари кўпроқ бош қотиришса, фойдадан холи бўлмайди.

Зеро, соғлиқ-саломатликнинг оилавий тўкинлик ва аҳилликка ижобий таъсири ниҳоятда катта. Демак, оилавий соғлиқ аҳил ва фаровон турмуш гарови эканлигини унутмаслик даркор. Ёшлар ва уларнинг соҳиб-у, соябонлари бир умрлик ширин турмуш аввалaмбор тан-сиҳатликка эътибордан бошланишини унутишмаса бас...

**Гулсара ЮСУПОВА,**
**Хазорасп тумани**

XX asr halokati

# “ТИТАНИК”НИНГ ҲАЛОКАТИ

## ҳақиқат ва тахминлар

***(Давоми. Боши ўтган сонда)***

**Соат 1.00.** Кемада қўрқув ва ваҳима авжига чиқади. Шу сабабли қайиқларга олдин аёллар ва болаларни чиқариш учун ҳарбийлар ҳатто қурол ишлатишга ҳам мажбур бўлишади.

Бироқ фақат ўз жонини ўйлайдиган, қўрқоқ ва номард кимсалар қочиб қолишга уринишади. Масалан, “Титаник” хўжайини Брюс Исмей қутқарув қайиғига чиқаётган бола кўтарган аёлни сувга итариб юборади-да, биринчилар қаторида ўзи жўнаб қолади. 1908 йилги Олимпиада ўйинларининг қиличбозлик тури бўйича ғолиби, миллионер Космо Дафф Гордон азбаройи жони кўзига ширин кўринганидан қайиқчиларга катта пул ваъда қилади ва 65 нафар киши ўрнига 12 кишини олиб жўнайди. Бироқ ана шундай таҳлика ва саросимали паллада кемадагиларнинг барчаси ҳам виждонига хилоф иш тутмайди. Балки ҳаётини хавф-хатарга қўйиб бўлса-да, бошқаларга ёрдам қўлини чўзади. Масалан, миллионер Исидор Страус қутқарув қайиғига чиқиш тўғрисидаги таклифни қатъий рад этиб, ўзининг ўрнига бегона аёлни ўтказади. Бундан ҳам ҳайратланарли томони шундаки, Исидор Страуснинг хотини Ида Страус ҳам чўкаётган кемага қайтиб чиқиб, эрининг ёнидан жой олади ва охир-оқибат ҳаёт билан видолашади. Американинг ўша пайтдаги энг бадавлат кишиларидан бири ҳисобланган 47 ёшли Жейкоб Жон Астор ҳам қутқарув қайиғига ўтиргач, бирдан кўзи бола кўтарган аёлга тушиб қолади. Шунда у сира иккиланмай ўз ўрнини ҳалиги аёл ва болага бўшатиб беради-да, 18 ёшли хотини билан қуюқ хайрлашиб, “Титаник”ка қайтиб чиқади. Орадан кўп ўтмай, у ҳам кема билан бирга океан қаърига ғарқ бўлади. Бундан ташқари, кемадаги миллионерлардан Артур Рейсон, Френсис Миллет, Кларенс Мур ва майор Арчи Ватт хотинларини қутқарув қайиғига ўтирғизишиб, ўзларини дадил тутиб, “Титаник”нинг чекиш хонасига йўл олишади ва у ерда кема ихтирочиси Томас Эндрюсни сўнгги марта кўришади.

Энг асосийси, “Титаник” тобора ажал комига ғарқ бўлиб бораётганига қарамай, кема экипажи аъзолари ва хизматчилар ўз вазифаларини сидқидилдан бажарар, бирон-бир киши иш жойини ташлаб кетишга уринмас, кема кузатувчилари хушмуомалалик билан йўловчиларга мурожаат қилар, уларга қутқарув кийимини кийишга ёрдамлашар эди. Ҳолбуки, улар ажал билан юзма-юз турганини, бир неча дақиқадан сўнг уммон қаърига ғарқ бўлишини ичи-ичларидан ҳис этиб турарди. Дирижёр Уоллес Хартли бошчилигида оркестр кеманинг очиқ саҳнида ҳалокатга 20 минут қолганга қадар мусиқа чалишни давом эттириб, шу зайлда кема билан бирга ҳалок бўлишади.

**Соат 1:30.** Сувга яна 11 та қутқарув қайиқлари туширилади. Қайиқлар одамга тўлиб кетади. Бироқ ҳали кемада яна 1600 нафар киши бор, уларнинг фақат юз нафарини қутқариш мумкин.

**Соат 2:00.** “Титаник” 45 градусга эгилиб қолади ва кемапўлатлари юқори босимга чидаш беролмай, қозон қисмида кучли портлаш юз беради ва шунинг таъсирида у бўлакларга бўлиниб кетади, унинг олдинги қисми 600 метрлар чамаси отилиб кетади. Орқа қисми эса сув устида 20 қаватли уй баробарида кўтарилади, сўнг аста-секин чўка бошлайди.

**Соат 2:20.** Муз қоплаган уммон ўз замонасининг энг улкан, энг катта ва энг қиммат турадиган, XX аср мўъжизаси деб ном олган “Титаник”ни ютиб юборади...

“Титаник” уммон қаърига ғарқ бўлгач, орадан 3 соат ўтиб, ҳалокат содир бўлган жойга етиб келган “Карпатия” кемаси 18 апрел куни маҳаллий вақт билан соат 9.00 да омон қолган йўловчилар билан Нью-Йорк портига етиб келади. Май ойида эса жаҳон оммавий ахборот воситалари Лондонда “Титаник” ҳалокатига боғлиқ жуда катта суд жараёнини бошлангани ҳақида хабар тарқатади. Тергов жараёнида аниқланишича, ҳалокат пайтида кемада бўлган 2358 нафар йўловчининг 868 нафари қутқарилган, уларнинг 202 нафари биринчи тоифали каюта, 114 нафари иккинчи ва 325 нафари учинчи тоифа каюта йўловчилари эди. Бунинг устига жони омон қолганларнинг аксариятини аёллар ва болалар ташкил этган, эркаклар бор-йўғи 79 нафар эди.

Юз нафардан ортиқ гувоҳлар мазкур суд жараёнига жалб этилди, ана шундай сўраб-суриштирувлар натижасида “Титаник”нинг ҳалокатига унинг тезлиги сабаб бўлган, деган хулосага келинди.

Қисқаси, суд жараёнида аниқланган тафсилотлардан келиб чиқиб, “Титаник” ҳалокати тарихига якун ясалса ҳам бўларди. Бироқ орадан қарийб бир аср вақт ўтганига қарамай, бу фалокат билан боғлиқ шов-шувлар ҳали-ҳануз тингани йўқ. Шу ўринда ҳикоямизнинг бошида тилга олинган кекса денгизчи Морган Робертсоннинг “Беҳудалик” романи тўғрисида яна тўхталиб ўтиш жоиз. Нега деганда, “Титаник” ҳалокатга учрашидан 16 йил муқаддам босмадан чиққан ушбу китоб фожеа юз бергандан сўнг бир-икки ой ичида миллионлаб нусхада, қайта-қайта чоп этилиб, бутун дунёга тарқалиб кетади. Бу албатта, бежиз эмас. Романда “Титаник”ка ўхшаш “Титан” номли жуда улкан кема илк сафари чоғидаёқ улкан муз қоясига урилиб, сувга чўкиб кетгани, оқибатда 1500 нафар киши ҳаётидан кўз юмгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна ажабланарли томони шундаки, романда тасвирланган “Титан” билан ҳаётдаги “Титаник”нинг деярли ҳамма белгилари бир-бирига жуда мос келади. Ҳалокат жойи — Шимолий Атлантика, вақти — апрелнинг ўрталари. Ҳатто икки кеманинг техник кўрсаткичлари ҳам бир-биридан жуда кам фарқ қилади. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: романдаги “Титан”нинг узунлиги “Титаник”дан бор-йўғи 9 метр калта бўлса, эни 0,8 метр фарқ қилади, холос. Кемаларнинг максимал тезлиги эса бир хил: 25 милга тенг. Ва, ниҳоят, “Титан”нинг мотори 50 минг от кучига эга бўлса, “Титаник”ники 55 минг бўлган, уларнинг сув сиғим қуввати ҳам деярли бир хил бўлган.

Шуниси қизиқки, кекса денгизчи Робертсон ўз романида 16 йилдан сўнг сафарга чиқадиган кеманинг ички қисмини бутун майда-чуйда манзараларини батафсил тасвирлайди, ҳеч нимани эътибордан четда қолдирмайди. Жумладан, у романда тасвирлаётган кемада 765 та каюта мавжудлиги (муаллиф фақат учтага адашган) бассейнлар, отда сайр қиладиган манеж, теннис кортлари ва боғлар мавжудлигини ёзади.

Бунинг устига “Титаник” ҳалокатидан сўнг унинг сабаблари тўғрисида фараз ва тахминлар жуда кўпайиб кетди.

**“Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, “Титаник”нинг ҳалокати бошқа кема компаниялари томонидан асосий рақобатчини йўлдан олиб ташлаш мақсадида уюштирилган жиноятдан бошқа нарса эмас. Рақиблар “Титаник” кема компаниясидаги бир қатор мансабдорларни сотиб олиб, кема ҳалокатини ташкиллаштиришган”.** Немис журналисти Волъф Шнейдер “Титаник”нинг ҳалокати бўйича ана шундай фикрни илгари сурган. Бироқ компания мансабдорларининг сотилгани тўғрисида ҳеч қандай далил-исбот топилган эмас. Шу билан бирга Шнейдернинг фикри ҳам асоссиз эмасга ўхшайди. Чунки XX асрнинг бошларида жуда кўп кема ҳалокатлари содир этилган. Масалан, 1904 йил 15 июнда саёҳатчилар учун мўлжалланган “Генерал Слокум” кемаси Нью-Йорк яқинида ҳалокатга учраб, ёнғин чиқади ва натижада 1030 нафар киши ҳалок бўлади. Бунинг оқибатида йўловчилар ташиш бўйича кема транспортининг обрўси янада тушиб кетади. Ана шу ҳолга барҳам бериш, сув транспортига нисбатан йўловчилар ишончини ошириш учун қулай, кенг, катта ва тез юрар кема зарур эди. “Титаник” ҳам ана шу мақсадга хизмат қилиши керак эди. Шундан келиб чиқиб қаралса, унинг ҳам душманлари йўқ эди, деб бўлмайди. Шнейдернинг ёзишича, қоронғи тунда, муз қоялари қалқиб турган ҳудудга жуда катта тезлик остида кириб келиш ва беш марта огоҳлантирилгандан сўнг ҳам тезликни пасайтирмаслик сотилган шахсларнинг жиноятидан бошқа нарса эмас. Бундан ташқари, “Титаник” йўлга чиқишига саноқли дақиқалар қолганида 50 нафарга яқин, устига-устак, энг нуфузли йўловчилар турли хил арзимас баҳоналарни рўкач қилиб, шошилинч равишда тушиб қолгани, кемани ҳалокати тўғрисидаги чақириқни биринчи бўлиб қабул қилган ва унга жуда яқин масофада турган “Франкфурт” кемаси капитани, “Кутинглар, ҳозир етиб борамиз”, деб жавоб берса-да, ёрдамга келмагани ёки кема ҳалокатга учраб, қутқарув ишлари давом этаётган бир пайтда ўзга бир кема ёнидан чироқларини ўчириб (айримлар уни “Франкфурт” дейишган) тўхтамасдан ўтиб кетгани, “Титаник” ҳалокатининг ҳақиқий сабабларини аниқлаш бўйича айрим давлатларнинг 90 йилдан буён қилаётган уринишлари турли хил тўсиқларга учраши — хуллас, буларнинг барчаси бу ҳалокат орқасида қандайдир сир борлигини англатмай қолмайди. Албатта, вақт олий ҳакам. Бир кун келиб, XX аср фан ва техникасининг улкан ютуғи ҳисобланган “Титаник” кемаси ҳалокатининг ҳақиқий сабаблари аниқланади, ҳозирга қадар очилмай келаётган сирлардан жаҳон аҳли воқиф бўлади, деган умиддамиз.

**Хориж матбуоти материаллари асосида Мирза ТУРСУНОВ тайёрлади.**

Mutolaa

***Жиноий қилмишларни декриминализация қилиш мавзуи ҳуқуқшунослигимизда кам ўрганилган. Республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари асарларида мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари ёритилган, бироқ бу мавзуда махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу нуқтаи назардан ёш тадқиқотчи Фармон Ражабовнинг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари” номли рисоласи эътиборга лойиқ.***

# ДОЛЗАРБ МАВЗУ ТАДҚИҚИ

Рисола жиноят ҳуқуқининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилишдек долзарб муаммога бағишланган. Унда жиноий қилмишни декриминализация қилиш тушунчаси, унинг турлари, давлат томонидан жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширилишида декриминализациянинг аҳамияти, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш ҳозирги ва истиқболдаги муаммолари очиб берилган.





Шу билан бирга, рисолада муаллифнинг жиноят қонунини либераллаштириш жараёнида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш юзасидан аниқ таклифлари ҳам баён этилганки, бу мазкур тадқиқотнинг салмоғини оширган. Жумладан, тадқиқотчи мазкур мавзу билан боғлиқ тарзда Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини таъкидлаб шундай ёзади: “Товламачилик ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган Жиноят кодексининг 165-моддасига ўзгартириш ва ва қўшимчалар киритиш, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш ва унга нисбатан ярашув институти қўлланилишини белгилаш, шунингдек, мазкур модда, етказилган зарар айбдор томонидан қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги рағбатлантирувчи қоида билан тўлдирилиши лозим”.

Муаллифнинг бу каби бир қатор аниқ таклифлари жиноий жазоларни либераллаштириш йўли билан жиноят қонунини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишларда асқотиши тайин. Зотан, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммоларини илмий ўрганиш, муайян хулосаларни амалиётда қўллашга татбиқ этиш, бошқа кўпгина мавзулар қатори, юридик фаннинг муҳим вазифасидир. Шу маънода Ф.Ражабовнинг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари” рисоласи мазкур мавзудаги илк илмий изланиш сифатида илиқ таассурот қолдиради. Муаллиф рисолада республикамизнинг ҳуқуқшунослари қатори хорижий мамлакатлар олимларининг илмий изланишларига ўз муносабатини билдирганки, бу тадқиқот мавзуи доираси кенг олингани ва изчил ёритишга ҳаракат қилинганидан далолатдир.

**Холмат САМАДОВ**

Jurnalist surishtiruvi

# ҚОҒОЗДА ҚОЛАЁТГАН ҚАРЗ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Хуллас, ана шу шартнома асосида бажарилган ишлар юзасидан ўтказилган қайта-қайта текширишларда ва суд муҳокамаларида “Тоҳир” хусусий кичик корхонаси шошилинч тиббий ёрдам шаҳобчасида 50 миллион сўмлик ўрнига 52 миллион 699 минг 268 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилгани, буюртмачи томонидан ҳақдорга 13 миллион 43 минг 346 сўмлик бажарилган ишлар ҳақи ўтказиб берилмагани тўлиқ ўз исботини топди. Ушбу хулоса юзасидан жавобгар тараф миқ этолмади.

Ушбу тан олинган маблағни (устамани) суд жавобгар Хонобод шаҳар марказий шифохонасининг “Саноатқурилишбанки”нинг Хонобод бўлимида очилган махсус ҳисоб рақамидан ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилди. Шунингдек, қарорда қайд этилган миқдордаги пул маблағини махсус ҳисоб рақамига ўтказиб бериш Хонобод шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилди.

Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори 2004 йилнинг 19 январидан қонуний кучга кирди. 22 январ куни судья Малоҳат Собирова томонидан ижро варақаси чиқарилди. Хонобод шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича дастлаб марказий шифохонага суд ижро ҳужжатида кўрсатилган маблағни **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги қонуннинг 23-моддасига асосан 5 кунлик муддат ичида ихтиёрий равишда “Тоҳир” хусусий фирмасига тўлаш ҳақида огоҳлантириш хати юборилди. Ижро ҳужжатида кўрсатилган махсус рақамга банд солинди. Хонобод шаҳар ҳокимига ижро ҳужжатида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига пул ўтказиш тавсия этилди.

Лекин мазкур ҳисоб рақамида маблағ мавжуд эмаслиги учун тадбиркорнинг ҳақи ҳозирга қадар ундирилгани йўқ. Чунки Хонобод шаҳар ҳокимлиги ушбу ҳисоб рақамига пул тушириш ва қарзини узишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Ҳатто шаҳар ҳокими М.Мусаев суд ижрочилари бўлинмасининг қонуний талаблар қўйилган хатларига жавоб ҳам бермай, шу кунга қадар ижро ҳужжати бўйича кўрсатилган ҳисоб рақамига пул ўтказмай келмоқда.

Хусусий тадбиркор Муроджон Жўрабоев эса ўзининг 13 миллион 43 минг 346 сўм асосий қарз, 3 миллион 752 минг сўм устама ҳақини ундиролмай, Шошилинч тиббий ёрдам марказида ишлатган ишчиларига бировлардан қарз олиб, ўзининг шахсий мол-мулки, уй-жойи, автомашинаси, уйидаги мебел ва бошқа жиҳозларни сотиб, иш ҳақи тўлаб, қарзга ботиб сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Баён этилган воқеаларни бир сўз билан қонунни менсимаслик деб баҳолаш мумкин. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз: тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш аслида туман ҳокимининг вазифаси эмасми? Қолаверса, раҳбарлик ваколатни суиистеъмол қилиш эмас, аксинча, масъулиятдир. Шу жиҳатдан ёндашганда бирор жойдаги ижтимоий муҳит кўп жиҳатдан у ердаги раҳбарга боғлиқ. Жамиятимизда қонун устувор экан, унга барча бирдек амал қилиши зарур.

Шу маънода мутасаддилар ушбу масалани атрофлича ўрганиб чиқиши ва адолатли ечим топишига ишончимиз комил.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Illat

# ШАЙТОН ҚУТҚУСИГА УЧИБ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

— Бу киши Қурбон ака, — деди “Абдулла”. — Санк-Петербург шаҳрида яшайди. Дорини ўша ёққа олиб кетади.

“Қурбон” пулдор одам экан. Ховос шаҳарчаси вокзали ёнида машинаси ичида Наргиза ва Бахтиёрга 20 минг долларни кўрсатди.

— Хўш, «дори» қачон тайёр бўлади, — деб сўради у.

— Тайёр бўлиши билан хабар қиламиз, — деди Бахтиёр. Орадан бир-икки кун ўтгач, Бахтиёр «800 доллар керак”, деб қолди. Наргиза Альберт орқали Тошкентда турган умр йўлдоши Икромга “пул зарур”, деб хат ёзиб юборди. Икромдан 300 доллар ва 80 минг сўм пул келди. Бахтиёр Тожикистонга бориб, яна гап топиб келди. Эмишки, «героин» эгасига аввалдан 800 доллар бериб қўйишмаса, дорини Ховосга олиб келишмасмиш.

Наргиза энди Альберт билан Рашиднинг Тошкентдаги офисига келиб, воқеани тушунтирди. Шу пайт Икромнинг ўзи қўнғироқ қилиб қолди. Унга ҳам яна пул керак дейишгач, ўзи идорага етиб келди. Икром укаси Содиққа қўнғироқ қилди. У пул беришга рози бўлди, фақат Ховосга сизлар билан бирга бораман, деди. Икром, Содиқ, Альберт ва Наргиза тунда такси билан Янгиер шаҳрига келишди. Содиқ 300 минг сўм пул ва 17 граммлик тилло узугини берди. Бахтиёр Тожикистонга бориб-келиб, «дори» икки кундан сўнг бўлади, харидорларинг эртага келаверишсин”, деб хабар қилди.

“Абдулла”га ҳам “товар” 21 июл куни тайёр бўлишини хабар қилишди. Бахтиёр ҳар куни “дори” масаласини сўраб-суриштириб турди. Ниҳоят, 21 июл куни тушда дори эгасининг вакили келди.

Уни “Қурбон” билан юзлаштиришди. У “олди-сотди фақат чегарада бўлади”, деди. “Қурбон” эса “иложи бўлса, Ховосга олиб келинг”, дейди.

— «Дори» меники эмас, пулини аввалдан бермасак, “товар”ни бермайди, — деди яна вакил.

У аввалдан “товар”га пул бермаётгани учун “Қурбон”га ишонманглар, деган фикрни ҳам айтади.

Бахтиёр ҳам кечқурун келиб, “аввалдан пул бермасак, дорини беришмас экан”, деб қолди. Ниҳоят, гаров сифатида Икромни қолдириб келадиган бўлишди. Тунда Бахтиёр «героин» билан қайтди. “Пулини эрталабгача етказиб беришимиз керак, улар Кўлоб вилоятидан экан, узоқ кутолмаймиз дейишди”, деди у ўз шерикларига.

Тунда “Қурбон” билан “Люда” яна Бахтиёрнинг уйига келишди. Уларни телеграф олдида кутиб туринглар, деб жўнатишди. Наргиза Бахтиёрнинг ўғли Шодибекка катта сумкадаги ўроғлик нарсани бериб, айланма йўллар билан телеграфнинг олдига бориб кутиб тур, деб тайинлади. Сўнг Бахтиёрнинг хотини Тиллахон билан ўзи етиб келди. Телеграф олдидаги машина рулида “Абдулла”, ёнида “Қурбон” ва “Люда” ўтиришган экан. Аввал Тиллахон пулни олиб келдиларингми, деб сўради, сўнг ўғлининг қўлидаги халтани олиб, ичидаги нарсани кўрсатди. “Қурбон” «дори»ни жуда ҳафсала билан текшириб кўрди. Шу пайт кутилмаганда яна бир автомашина келиб тўхтаб, ундан тушган фуқаро кийимидаги шахслар уларни милиция идорасига бошлаб кетишди.

Айни вақтда Тошкентдаги Альберт, Рашид масаласи ҳали очиқ қолаётганди. Чунки уларнинг яна бир гуруҳ шериклари ҳали Қўқонда ўз ишларини йўлга қўйишаётганди. Ниҳоят, уларнинг шериклари тошкентлик яна бир Бахтиёр, Ҳикматулло, қўқонлик Владимир «героин» моддасини Қўқонда сотаётганда далилий ашё билан қўлга олинди. Ўртада ушбу шахсларнинг бир-бири билан таништириб, жиноятчилар гуруҳига амалда етакчилик қилган ва «героин» моддасини сотишдан ўз улушини олишмоқчи бўлган Альберт ва Рашид ҳам жазога тортилди.

Аввал бошдан “Абдулла”, “Люда” ва “Қурбон” исмларини қўштирноқ ичида ёзганимизнинг боиси шуки, булар лақаб эди, холос. Улар судда гувоҳ сифатида кўрсатма беришди. Ички ишлар ходимлари бўлган бу гувоҳлар иккита жиноятни фош этиш орқали уюшган гиёҳфурушлар гуруҳини бартараф этилишига муваффақ бўлишди. Бир неча ойлар давомида олиб борган кузатувлар шундай якун топди.

Шайтон қутқусига учиб, тез бойлик орттириш мақсадида ўзгаларни ҳам оғу билан зарарлашга тайёр турган кимсалар тегишли жазога тортилди. Икром Насриддинов, Альберт Шахзадян, Наргиза Муҳаммаджонова, Тиллахон Бердиёрова, Рашид Бурканов, Шодибек Бердиёров, Ҳикматулло Холматов, Владимир Нурматов, Бахтиёр Комилов, Олимжон Ҳакимов энди шайтоннинг гапига эмас, виждон амрига бўйсунмоқ лозимлигини бир умр унутмаса, яхши бўларди.

**Рустам БЕГАЛИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Юртимиз манзараси*


# ЭЪЛОН

## “АДОЛАТ” НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРИНИ СОТУВГА ЧИҚАРДИ:

**1. Акмал САИДОВ. “Сравнительное правоведение” — 750 сўм.**
**2. Ҳожиакбар Раҳмонқулов. “Олди-сотди шартномалари” — 1000 сўм.**
**3. “Комментарий к Уголовно-исполнительному кодексу” — 1500 сўм.**
**4. “Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари”. № 25. Ўзбек ва рус тилларида — 2000 сўм.**
**5. Ҳуқуқий маслаҳатлар (Саволлар ва жавоблар) — 1500 сўм.**
**6. “Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбек ва рус тилларида — 600 сўм.**
**7. Криминалистика. 1-жилд — 5000 сўм.**
**8. Криминалистика. 2-жилд — 5000 сўм.**
**9. Мадҳия — 500 сўм.**
**10. Конституция — 500 сўм.**
**11. Армия — 500 сўм.**
**12. Марат Ғуломов. “Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси” — 1600 сўм.**
**13. Зиёдулло Муқимов. “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” — 3500 сўм.**
**14. «Буюк истеъдод соҳиблари» — 750 сўм.**
**15. “Ротшильдлар — банкирлар қироллари”. Озод Шарафиддинов таржимаси — 1500 сўм.**
**16. Аннемарие Шиммел. “Жонон менинг жонимда” — 1000 сўм.**
**17. Убайдулло Эргашев. “Юсуф Ҳамадоний ва Абдухолиқ Ғиждувоний Хожагон тариқати асосчилари” — 500 сўм.**
**18. Имом Абу Ҳанифа. “Ал Фиқҳ ул-Акбар” — 300 сўм.**
**19. Тоҳир Малик. “Жиноятнинг узун йўли”. Қисса — 1000 сўм.**

**Ушбу китоб ва рисолаларни пул ўтказиш ҳамда нақд пулга харид қилишингиз мумкин.**

**Маълумот учун телефонлар: 169-03-98, 169-03-58**
**НАШРИЁТ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри, 700170, Муҳиддинов кўчаси, 26-уй.**



**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

**Индекс: 646882**

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50